

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ

БОБИР

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Нашрга тайёрловчилар:

В. Раҳмонов,

Н. Ҳотамов

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ

Т О Ш К Е Н Т — 1976

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1976

Б $\frac{70803 \quad 50}{\text{М. 353 (06)—76}}$ 249—76

ҒАЗАЛЛАР

Ёғлиғингим¹, жон била мен хастадурмен² зор анга,
Хаста жонлар риштасидиндур³ магар ҳар тор анга?

Эврулур⁴ бошинггау гоҳи юзунга юз қўяр,
Бу жиҳатдин⁵ от эмиш гулпечу гаҳ гулзор анга.

Бир чамандур саҳниким, бўлғай бинафша сарбасар,
Теграси⁶ гулзордурким, бўлмағай бир хор⁷ анга.

Ёғлиғинг токим юзу кўзунгга тегмиш, бордурур
Юз менингдек зору юз минг мен киби бемор анга.

Эй кўнгул, юз пора⁸ қилса ёр тиғи, ғам ема,
Лутф этиб гар боғлар ўлса ёғлиғини ёр анга.

Кўнглум истар ёғлиғингни, балки андин бир насим —
Етса Бобирға, эрур жон бирла миннатдор анга.

¹ Ёғлиғ — дурра, рўмол. ² Хаста — бетоб, касал. ³ Ришта — ип.
⁴ Эврулур — айланади, ўралади. ⁵ Жиҳат — сабаб, бос. ⁶ Теграси —
атрофи, теварағи. ⁷ Хор — тикан. ⁸ Пора — парча, бўлак.

Келтурса юз балони ўшул бевафо манга,
Келсун агар юзумни эвурсам, бало манга.

Нетгаймен ул рафиқ¹ билаким, қилур баче —
Меҳру вафо рақибга, жавру жафо манга.

Бегона бўлса ақл мен телбадин, не тонг,
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.

Оҳу ёшимдин ортадур заъф², эй табиб,
Билдим, ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.

Дардим кўруб муолижада³ зоеъ этма умр,
Ким жонда дарди ишқдурур бедаво манга.

То ёр кимни истару кўнглина ким ёқар,
Ташвиш бежиҳатдурур охир санга, манга.

Бобир, бўлуб турур икки кўзум йўлида тўрт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манга, манга.

¹ Рафиқ — дўст, ўртоқ, биродар, сирдош. ² Заъф — дард, касаллик, огриқ. ³ Муолижа — даволаш ишлари.

Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдим осуда¹,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйкуда.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур, таҳқиқ² билгайсиз,
Эрур жангу жадал³, ранжу⁴ риёзат⁵ барча беҳуда.

Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор,
Ки бир дам ғам емакка арзимас дунёи фарсуда⁶.

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилгайму
Сенингдек дард паймоу⁷ менингдек дард паймуда?

Улусдин⁸ тинмадим умрумда ҳаргиз лаҳзае, Бобир,
Магар ўлсам, бу олам аҳлидин бўлгаймен осуда.

¹ *Осуда* — тинч, хотиржам. ² *Таҳқиқ* — ҳақиқат. ³ *Жангу жадал* — уруш ва шошмоқ; жанжаллашмоқ ва уринмоқ. ⁴ *Ранж* — азоб-уқубат. ⁵ *Риёзат* — қийналмоқ. ⁶ *Фарсуда* — чирик, чириган, эски. ⁷ *Дард паймо* — дард тортган, дардни бошидан кечирган. ⁸ *Улус* — эл, халқ.

Соқи¹ эрур ишрат чоғи, афсурда² бўлма дай³ била,
Ўттек чоғир⁴ келтур, дағи суҳбат тунотур май била.

Келтур шароби нобни⁵, омода⁶ қил асбобни,
Хуш тут шаби маҳтобни⁷, чун бордур ул ой била.

Даврон ғамин барбод қил, ишрат уйин обод қил,
Жону кўнгилни шод қил овози чангу най била.

Мажлисда бордур сар-басар май нашъасидин шўру шаръ,
Борини масту беҳабар қил жоми пайдар-пай била.

Ҳамдард ёрè қониким, бир ғамгусоре қониким,
Абри баҳоре қониким, Бобир киби йиғлай била.

¹ Соқи — май қуювчи. ² Афсурда — эзилган, қийналган, сўлғин.
³ Дай — қишнинг энг совуқ оyi. ⁴ Чоғир — ичимликнинг бир тури.
⁵ Ноб — тоза. ⁶ Омода — тайёрлаш. ⁷ Маҳтоб — ойдин.

Улки йиллар, ойлар ўткаргай ғаму мотам¹ била,
Шоду хуррам бўлмағай наврўз ила, байрам била.

Улки давроннинг аёғидин дамо-дам қон ютар,
Нашъа топмас гар ичар ҳар давр жом² Жам³ била.

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзинким, менинг —
Улфатим йўқ олам аҳли бирла, бал⁴ олам била.

Сендин айру найлагаймен ийд⁵ ила наврўзни,
Ойу йил хуштур сенинг бирла агар бўлсам била.

Тортиб афгон⁶, оҳ уриб ҳижронда, Бобир йиғласанг,
Навҳа⁷ тузгай базми ғам аҳли бу зеру бам⁸ била.

¹ Мотам — аза. ² Жом — қадаҳ. ³ Жам — Жамшид. ⁴ Бал — «балки» сўзининг қисқаргани. ⁵ Ийд — ҳайит. ⁶ Афгон — фиғон. ⁷ Навҳа — йиғламоқ. ⁸ Зеру бам — баланд (бас) ва паст оҳанглар.

Бўлмадим умримда бир дам хотири хуррам била,
Гар иликдин¹ келса бир дамни кечурманг ғам била.

Неча бўлғай ёр ҳижронию даврон меҳнати²,
Нақди умрим, оқким, ўтди ғаму мотам била.

Зоҳир³ ўлғай ҳар нафас бир тун сочингнинг ҳажрида
Ўтлуғ оҳим дуд⁴ янглиғ чиқса печу⁵ хам⁶ била.

Э кўнгул, токим кўрубмен ул паридин илтифот,
Ихтилот⁷ этмак манга ёқмас бани⁸ одам била.

Қатъ⁹ этиб Бобир боридин чун санга келтурди юз,
Бок эмас¹⁰ якрўй¹¹ бўлса жумлаи олам била.

¹ Илик — қўл. ² Меҳнат — азоб. ³ Зоҳир — кўринадиган, ташқи.
⁴ Дуд — тутун. ⁵ Печ — буралган. ⁶ Хам — эгилган. ⁷ Ихтилот — алоқа, аралашмоқ, муносабат. ⁸ Бани — насл, фарзанд. ⁹ Қатъ — кесиш, узиш. ¹⁰ Бок эмас — ҳеч гап эмас, ҳечқиси йўқ, шубҳасиз. ¹¹ Якрўй — бир юз, яъни бирдай, бир хил.

Гурбатға¹ солди чарх² мени юз жафо била,
Ед айламайин ғарибни гоҳи дуо била.

Беҳад вафоу меҳр санга кўрсатиб эдим,
Сен ҳам соғинғасен мени меҳру вафо била.

Чун қилди мени ул бути³ Чин зору мубтало,
Ишим менинг қолибтурур эмди худо била.

Кўрмон фараҳни⁴ бир дам агар андин айрумен⁵,
Билмон⁶ аламни бормен анинг бирла то била.

Ул сарвға карам қилибон еткур, эй сабо,
Бобир ниёзини⁷ ер ўпуб хуб адо⁸ била.

¹ *Гурбат* — ғариблик, ватандан айрилик. ² *Чарх* — фалак, борлик. ³ *Бут* — санам, крест. ⁴ *Фараҳ* — шодлик. ⁵ *Айру* — жудо, айрилган. ⁶ *Билмон* — билмайман. ⁷ *Ниёз* — таъзим, эгилиш. ⁸ *Адо* — гўзал қилиқ, латиф сўз.

Сочининг савдоси¹ тушти бошима бошдин яна.
Тийра² бўлди рўзгорим³ ул қаро қошдин яна.

Мен худ ул тифли⁴ паривашға кўнгул бердим, вале
Хонумоним⁵ ногаҳон бузулмағай бошдин яна.

Юз ямонлиғ кўруб ондин телба бўлдунг, эй кўнгул,
Яхшилиғни кўз тутарсен ул паривашдин яна.

Тош урар атфөл⁶ мени, уйда фориг⁷ ул пари,
Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тошдин⁸ яна.

Оёғим етганча Бобирдек кетар эрдим, нетай,
Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна.

¹ Савдо — ғавғоли хаёл. ² Тийра — қоронғи. ³ Рўзгор — ҳаёт.
⁴ Тифл — бола. ⁵ Хонумон — хонадон. ⁶ Атфол — болалар. ⁷ Фориг —
беғам, озод, эркин. ⁸ Тош — 1) ташқари, 2) тош.

Хуш улким ёрдин қатъ айлабон¹ тарки диёр этса,
Жаҳон кезмак ила беқайдлиғни² ихтиёр этса.

Анингдек бўлсаким, асло тафовут³ бўлмаса пайдо,
Агар бу даҳри⁴ дун⁵ хор айласа, гар эътибор этса.

Жафодур жонға бўлмоғлиғ муқайяд⁶ олам аҳлиға,
Хуш ул озодаким элнинг аросидин канор⁷ этса.

Қишининг жониға душман, балодур бошиға бу эл,
Агар бошин туфайл⁸ айлаб ва гар жонин нисор⁹ этса.

Диёру ёрдин Бобир жафоу жавр кўп кўрди,
Хуш улким ёрдин қатъ айлабон тарки¹⁰ диёр этса.

¹ Қатъ айлаб — кечиб. ² Беқайд — бошвоқсиз, қайсар. ³ Тафовут — фарқ. ⁴ Даҳр — дунё. ⁵ Дун — пасткаш, тубан. ⁶ Муқайяд — илинмоқ, асир тушмоқ. ⁷ Канор — чет, четлашмоқ. ⁸ Туфайл — садқа. ⁹ Нисор — сочмоқ. ¹⁰ Тарк — кечмоқ.

Қайси бир озорин айтай жонима ағёрнинг,
Қайси бир оғритғонин кўнглумни дей дилдорнинг?

Қайси бир бераҳлиғини¹ толеи гумроҳнинг²,
Қайси бир кажравлиғини³ чархи кажрафторнинг?

Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлнинг,
Қайси меҳнат бирла ранжин фурқати⁴ хунхорнинг⁵?

Фурбат ичра, эй кўнгул, элдин вафо истарни қўй,
Чун вафосин кўрмадинг ҳаргиз диёру ёрнинг.

Бобир, ул гул жавр этар, ағёрдин не яхшилиқ,
Гулнинг озори бу бўлса, ваҳ, не бўлғай хорнинг!

¹ Бераҳ — йўлсиз. ² Гумроҳ — йўлидан озган. ³ Кажрав — терс айланувчи. ⁴ Фурқат — айрилиқ. ⁵ Хунхор — қон ичувчи.

Эй юзи насрин¹, қомати шамшод²,
Неча қилурсен жонима бедод³?

Сен киби пуркор⁴, шеваси⁵ бисёр⁶,
Билмади, эй ёр, ҳеч киши ёд.

Жаврда нодир⁷, зулмда моҳир,
Ишвада қодир⁸, ғамзада устод⁹.

Ёр ғамидин, ҳажр аламидин,
Сабр камидин нолау фарёд.

Бобири бедил¹⁰, эй бути қотил,
Жаврунга мойил, зулмунга муътод¹¹.

¹ *Насрин* — оқ гулнинг бир нави. ² *Шамшод* — бир хил чиройли дарахт. ³ *Бедод* — зулм, ситам. ⁴ *Пуркор* — ишбилармон, устакор. ⁵ *Шева* — қилиқ, одат. ⁶ *Бисёр* — кўп. ⁷ *Нодир* — ягона, ноёб. ⁸ *Қодир* — уддаловчи, қудратли. ⁹ *Устод* — устоз, мураббий. ¹⁰ *Бедил* — кўнглини олдирган, мафтун, маҳлиё. ¹¹ *Муътод* — ўрганган, одатланган, кўниккан.

Не чаманда сарв бор ул қомати раъно киби¹,
Не гулистон ичра гул бор ул рухи зебо киби.

Не жафо таврида² бор дунёда ул бемехрдек,
Не вафо бобида бор оламда мен шайдо киби.

Донаи холи Масиҳосо³ лабининг устида,
Нотавон жонимға бўлди мояи савдо киби.

Айласам кўйида⁴ маъво⁵, найлайн жаннатниким,
Бор манга ул ҳур кўйи жаннатул-маъво киби.

Базм аро, эй дўстлар, не майки, қон ичмак дурур,
Соқие гар бўлмаса ул шўхи базморо⁶ киби.

Минса абраш⁷ ул қуёш куймай нетайким, Бобиро,
Мени куйдирмакка елдур маркаб⁸, ўтдур рокиби⁹.

¹ *Киби* — каби. ² *Тавр* — йўсин. ³ *Масиҳ* — Исо пайғамбар лақаби бўлиб, «тирилтирувчи» деган маънони билдиради. ⁴ *Кўй* — жой, манзил. ⁵ *Маъво* — қўнмоқ, яшамоқ, мулк қилиб олмоқ. ⁶ *Базморо* — йиғиннинг гули. ⁷ *Абраш* — ола-була от. ⁸ *Маркаб* — улов, от. ⁹ *Рокиб* — сувори, от минган киши.

Зухд кетти эса, карам қилди,
Ишқ келдию муҳтарам¹ қилди.

Ул алиф бўйлуқ ойнинг ишқи
Мени олам аро алам² қилди..

Кўзию зулфу оғзи фурқатида
Фалак охир мени адам³ қилди.

Кўнглум ўртанди ҳардам оҳимдин,
Магар ул ел бу ўтни дам қилди.

Қоши ёлар жафосидин бу чарх
Менинг отимға ўқ рақам⁴ қилди.

Чанги ғамдин қутулмади Бобир,
Нечаким нола зеру бам қилди.

¹ *Муҳтарам* — ҳурматли, азиз. ² *Алам* — байроқ, белги. ³ *Адам* — йўқ, йўқлик. ⁴ *Рақам* — ёзмоқ.

Ул аҳд ила паймон¹ қани, эй ёр, не бўлди?
Ул лутф ила эҳсон² қани, эй ёр, не бўлди?

Кеттим мени ҳайрон эшигингдин, демадинг ҳеч:
«Ул телбаи ҳайрон қани?» Эй ёр, не бўлди?

Жонимға даво сўзунг эди, сўзламадинг, оҳ,
Жон дардиға дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Мундоқму эди аҳдки, Бобирни унуттунг,
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?

¹ *Паймон* — ваъда, қарор. ² *Эҳсон* — яхшилик, марҳамат.

Ез бўлдию бўлди яна жаннат киби ёзи¹,
Хуш ул кишиким, айш ила ўтгай қишу ёзи.

Дутора² уни айшу фароғатни берур ёд,
Мутрибга³ қулоқ тутки, не дер нағмада⁴ сози.

Чун қиблам⁵ эрур ёр, қилай қошида сажда,
Носиҳ⁶ сўзини найлай, эмас сўзи намози.

Бу телбау мадҳуш⁷ дилу жонга не хушдур,
Гаҳ қаҳру итоби бида, гаҳ ишвау нози.

Тут муғтанам⁸ ул ёрни, Бобирки, жаҳонда
Маҳмуд⁹ ким эрди, не киши эрди Аёзи¹⁰?

¹ *Ези* — дала, дашт. ² *Дутор* — чолғу асбоби. ³ *Мутриб* — чолғувчи, созанда. ⁴ *Нағма* — куй, оҳанг. ⁵ *Қибла* — топиниладиган томон. ⁶ *Носиҳ* — насиҳатчи. ⁷ *Мадҳуш* — ҳушсиз. ⁸ *Муғтанам* — ғанимат. ⁹ *Маҳмуд* — ўрта асрларда Ғазнада яшаган Султон Маҳмуд. ¹⁰ *Аёз* — Султон Маҳмуднинг севган қули.

Бошда гар йўқтур жалолат¹ гавҳаридин афсаре²,
Енима басдур мазаллат³ туфроғидин бистаре⁴.

Киргали кўксум аро кўнглум иши куймакдурур,
Мен нечук куймайки, кўксум ичра бордур ахгаре⁵.

Сабру ҳушу ақлу динимни олибдур, найлайн,
Сарв қадде, гул рухе, райҳон хате⁶, насрин बारे.

Қирпикидин ханжаре эл кўксига кирган замон,
Кўзума ҳар қирпикин, ёрабки, қилгил ханжаре.

Абрашини елдириб етгач йиқилдим, дўстлар,
Оҳким, умрим дарахтини йиқитти сарсаре⁷.

Ганжи⁸ ҳуснида кўрунг зулфи била гулгунасин
Гўйиё ўт солди ҳар ён ганж узра аждаре.

Ҳажр шомидин менинг қон ютмоғимни ёд этинг,
Чексангиз ул нозанин бирла сабуҳий⁹ соғаре.

Ҳар нечукдур умрни, Бобир, хуш ўткармак керак,
Ким бу беш кун умр ғамгин бўлғали қилмас гари¹⁰.

¹ Жалолат — шон-шавкат. ² Афсар — тож. ³ Мазаллат — тубанлик, хорлик. ⁴ Бистар — ёпинчиқ, кўрпа-тўшак. ⁵ Ахгар — лахча. ⁶ Хат — лабдаги майин туклар. ⁷ Сарсар — қуюн, қаттиқ шамол. ⁸ Ганж — хазина. ⁹ Сабуҳий — тонгги ичимлик. ¹⁰ Қилмас гари — арзитайди.

Гахи соғин¹ не бўлди зорларни,
Унутмағил бурунқи ёрларни.

Сени кўрмай йироқдин зор бўлдум,
Бирор ёд эт йироқдин зорларни.

Юзунгдин айрумен хор, эй азизим,
Киши гулдин айирмас хорларни.

Кўзунг беморимен, мендин юуб кўз,
Яна оғритмағил беморларни.

Санга кўнглумни олдурдум, жаҳонда
Кўрубмен гарчи кўп дилдорларни.

Санга бир йўл етар фикридадурмен,
Унутма бир йўла афгорларни².

Сиҳи³ қадларға, Бобир, ошиқ ўлсанг,
Бурунроқ кўзлагайсен дорларни.

¹ *Соғин* — соғиниб ёдингга ол. ² *Афгор* — эзилган. ³ *Сиҳи* — тик, адл.

Ёз фасли, ёр васли¹, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси. ишқ дарди, боданинг² кайфияти.

Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Қимга бу нашъа³ муяссар бўлса, бордур давлати.

Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлғай унут юз йилги ҳижрон шиддати.

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билинғай ҳар кишининг табъи⁴ бирла ҳолати.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг, ул уч вақт ила,
Мундин ортиқ бўлмағай, Бобир, жаҳоннинг ишрати.

¹ *Васл* — учрашув. ² *Бода* — май. ³ *Нашъа* — ҳузур-ҳаловат.
⁴ *Табъ* — истеъдод, талант.

Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Айшу тараб¹ гулбуниға² сув бериб,
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.

Ҳар нимага ғам ема, ғам кўп турур,
Айш ила ўзни овутмоқ керак.

Тийрадурур зуҳд³ дамидин⁴ кўнгул,
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.

Қўйма машаққат аро, Бобир, кўнгул,
Ўзни фароғат⁵ била тутмоқ керак.

¹ Тараб — шодлик. ² Гулбун — гул, тупи. ³ Зуҳд — тоат-ибодат.
⁴ Дами — нафаси. ⁵ Фароғат — эркинлик, хушҳоллик.

Чиқса қуёш фалакка, сен отқа чиққанингдек,
Бўлғайму ул сенингдек, ул бири тавсанингдек¹?

Кўксумни чунки ёрдинг, киргил кўнгулга ким бор
Ул ёра эшигингдек, кўз анда равзанингдек².

Гар сийм³ барги гулни қилса либос ўзига,
Бўлғайму, эй гуландом, кўнглак⁴ била танингдек?

Ул ёр ҳазратинда⁵ бисёр яхшидур ғайр⁶,
Мен ҳам ямон эмон⁷, лек яхши эмон анингдек.

Даъвийи ишқ этиб ғайр, Бобирни айб қилма,
Қим мен эдим сенингдек, сен бўлғасен менингдек.

¹ Тавсан — от. ² Равзан — тешик. ³ Сийм — кумуш. ⁴ Кўнглак — кўйлак. ⁵ Ҳазрати — ҳузури, олди. ⁶ Ғайр — бегона, ёт. ⁷ Эмон — эмасман.

Телба кўнглумким сенинг чангингдадур¹, ёд айлагил,
Бир навозиш² бирла кўнглумни менинг шод айлагил.

Ишратингда ҳар қачонким чанг олсанг илгинга,
Фурқатингда қолғон эгри қоматим ёд айлагил.

Соз айлаб бир нишот³ ангез чанг, эй дилрабо,
Бенаво кўнглумни ғам чангиндин озод айлагил.

Чангда ҳар кўк чолур ёринг чу йўқтур, Бобиро,
Ерга бош чолмоқ била ўзунгни муътод айлагил.

¹ *Чанг* — музыка асбоби; қўл (қўлингда маъносида). Шоир лутф билан «чанг» сўзини икки маънода қўллаётир. ² *Навозиш* — чалмоқ; эркалаш, алқамоқ. Бунда ҳам лутф қўлланилган. ³ *Нишот* — хуш-вақтлик.

Эй аларким, бу Ҳинд кишваридин¹
Бордингиз англаб ўзга ранжу алам.

Кобилу хуш ҳавосини соғиниб,
Ҳинддин гарм² бордингиз ул дам.

Кўрдунгиз, топдингиз экин анда
Ишрату айш бирла нозу ниам³.

Биз дағи ўлмадук, биҳамдиллаҳ,
Гарчи кўп ранж эдию беҳад ғам.

Ҳаззи⁴ нафсу машаққати баданий,
Сиздин ўттию ўтти биздин ҳам.

¹ *Кишвар* — ўлка, мамлакат, юрт. ² *Гарм* — иссиқ, бу ерда «қизгин» маъносида. ³ *Нозу ниам* — ноз-неъматлар. ⁴ *Ҳазз* — роҳат, ҳузур, ҳаловат.

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами¹ асрор² топмадим.

Жонимдек ўзга жони дилафгор³ кўрмадим,
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор⁴ топмадим.

Усрук⁵ кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй⁶ этмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Боре⁷ борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига, бор⁸ топмадим.

Бобир, ўзунгни ўргатакўр, ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

¹ Маҳрам — сирдош, энг яқин дўст. ² Асрор — сирлар. ³ Дилафгор — қалби мажруҳ, бағри эзилган. ⁴ Гирифтор — илинган, боғланган, асир тушган. ⁵ Усрук — маст; бу ўринда «хумор» маъносида. ⁶ Хўй — ўрганган, одатланган, кўниккан. ⁷ Боре — бир марта. ⁸ Бор — кўп маъноли сўз: мева; гал, марта, бирор марта ҳам; мақсад, мурод.

Ғайр тоши захмидин дардимни изҳор этмадим,
Ичтаги пинҳон¹ ғамим тошдин намудор этмадим.

Қондин элга ёйди тифли ашк² сирримни менинг,
Чунки мен ул ёшни ҳаргиз соҳиб асрор³ этмадим.

Келмади кўнглимга ишқининг суруру⁴ давлати,
То кўнгулни меҳнату ғамға сазовор этмадим.

Юзи хуршеди, тиши дурридин айру жисмда,
Қолмади бир зарра ерким, тишдин афгор этмадим.

Толеимдин не осиф⁵, Бобир, фиғону нолаки,
Уйқулуқ бахтимни бу ун⁶ бирла бедор⁷ этмадим.

¹ Пинҳон — яширин. ² Ашк — кўз ёши. ³ Соҳиб асрор — сирдош.
⁴ Сурур — шодлик. ⁵ Осиф — фойда. ⁶ Ун — товуш. ⁷ Бедор — уйғоқ.

Хазон япроғи янглиғ¹ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лола рух², бу чеҳраи зардим³.

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек⁴ ҳаргиз,
Аёгингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу⁴ хуррам⁵ қол,
Мен арчи⁶ даҳр боғидин хазон япроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим сориг юзимдин эл танаффурда⁷,
Баҳар ранги⁸, биҳамдиллаҳ, улусдин ўзни қутқордим.

Не толеъдур мангаким, ахтари бахтим топилмайди,
Фалак авроқини⁹ ҳар нечаким дафтардин ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобир, баробардур,
Бу оламда ўзимни чун ямон, яхшидин ўтқардим.

¹ Янглиғ — каби, ўхшаш. ² Рух — юз, чеҳра. ³ Зард — сариқ.
⁴ Сабз — яшил, гуркираган. ⁵ Хуррам — шод, қувноқ. ⁶ Арчи — агарчи.
⁷ Танаффур — нафрат. ⁸ Баҳар ранги — ҳар қалай. ⁹ Авроқ — ва-
рақлар.

Оёгин ўпсам етишгай арш¹ тоқиға² бошим,
Даст бергай давлатим, гар тутса илгим маҳвашим³.

Қўймоғимдур этагинг кетсам иликдин ҳар неча,
Бормоғумдур остонингдин агар борса бошим.

Утти эл бўлмоқдин⁴ ул ёш, мен қаригум ишқида,
Улганим яхши бу навъ ар⁵ ўтса элликдин ёшим.

Дўстлар, кўнглумдагин қабрим тошиға ёзғасиз,
Токи бирдек бўлғай ул ой ишқида ичим, тошим.

Ёр ити, қичқирма гар Бобир деса ҳолин санга,
Найлайин бу ғурбат ичра сендин ўзга йўқ кишим.

¹ *Ари* — осмоннинг энг юксак қисми. ² *Тоқи* — том. ³ *Маҳваш* — ойдай. ⁴ *Эл бўлмоқ* — ўрганмоқ. ⁵ *Ар* — «агар» сўзининг қисқаргани.

Сенинг ишқингда, эй номеҳрибон, бехонумон бўлдум,
Демон¹ бехонумон, оворай икки жаҳон бўлдум.

Лабинг гар бермаса бўса, нечун жон элта олгайман,
Бу йўлдаким адам саҳросиға эмди равон бўлдум.

Сўруб ул ой лабидин, оғзининг рамзини онгладим,
Бир оғиз сўз била кўрунгки, мунча хурдадон² бўлдум.

Нечаким қоши ёлар ишқида тузлукни³ кўрсаттим,
Вале охир маломат ўқлариға-ўқ⁴ нишон бўлдум.

Кулар эрдим бурун Фарҳоди мискин дostonиға,
Бу Шириндурки онинг бирла-ўқ ҳамдoston бўлдум.

Висолинг давлатиға етмасам Бобир киби, не тонг,
Ки ҳажринг меҳнатида асру зору нотавон бўлдум.

¹ Демон — демайман. ² Хурдадон — нозикфаҳм, ўткир фикрли.
³ Тузлук — тўғрилиқ. ⁴ Уқлариға-ўқ — ўқларигагина.

Не вафо умрумда ул жони жаҳондин кўргамен,
Ким вафо жондин кўрубдурким, мен ондин кўргамен?!

Кўз йўлида ул пари ҳуснин назар айлар эдим,
Қон ёшим ул йўлни тутти, эмди қондин¹ кўргамен?

Ё раб, ул кун шум толеъдин манга бўлғаймуким,
Жонима ором ул оромижондин кўргамен?

Кўз кўрар, лекин солур мени балога бу кўнгул,
Бу балони неча чашми² хунфишондин³ кўргамен!

Баргараф қилгил вафо истарни элдин, Бобиро,
Ул ғалатдурким вафо аҳли жаҳондин кўргамен.

¹ Қондин — қондан ва қаердан маъноларида. ² Чашм — кўз.
³ Хунфишон — қон сочувчи.

Хуш улки, ёна муборак юзунгни кўргаймен,
Юзум била қадаминг гарди(ни) супургаймен.

Демаки, жавр қилур санга ёр кўрмастин,
Мени не қўрқутасен, ҳар не келса кўргаймен.

Гаҳи жафоу гаҳи жавр этиб юз эвурасен,
Мен ул эмонки булар бирла юз эвургаймен.

Неча фироқ хумори аро азоб чекай,
Қачон висол майидин даме эсургаймен¹.

Фироқ ўтида овунсам чоғир била не ажаб,
Магар бу сув била ул шуълани ўчургаймен.

¹ Эсургай — яйрагай.

Жамолинг васфини¹, эй ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун бұлгай висолингга мени дилхаста етгаймен?

Тараххум² юзидин юзунгни кўрмакка буюрғайсен,
Хуш улким оразингни³ кўргамен, сўзунг эшитгаймен.

Итингдурмен, сочинг занжирини бўйнулмаға маҳкам қил,
Ки водийи фироқинг ичра кўрқарменки йитгаймен⁴.

Тараххум қилмасанг, ё боқмай истиғно⁵ била ўтсанг,
Тазарру⁶ қилгамен, ё йиғлагаймен, ўзга нетгаймен?

Муяссар бұлмаса бошимни қўймоқлик аёғига,
Бошимни олиб, эй Бобир, аёқ етганча кетгаймен.

3

¹ *Васф* — мақтов. ² *Тараххум* — раҳм-шафқат. ³ *Ораз* — юз, чеҳра. ⁴ *Йитмоқ* — йўқолиб кетмоқ. ⁵ *Истиғно* — эътиборсизлик, бепарволлик. ⁶ *Тазарру* — ўтганиш, ялиниш.

Яна кўз уйида маъво қилибсен,
Кўнгул кошонасида жо қилибсен.

Яна савдои зулфунгдин, нигоро,
Мени ошуфтау¹ шайдо қилибсен.

Ғаминг йўқ, жон агар берсам ғамингда²,
Ўзунгни мунча бепарво қилибсен.

Қошингдин мени ўқдек ташлар учун,
Янги ойдек қошингни ё³ қилибсен.

Кўзумдин ёшиниб, эй баҳри алтоф⁴,
Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен.

Соғинмас жаннатул-маъвони, Бобир,
Анинг кўнглида то маъво қилибсен.

¹ *Ошуфта* — паришон. ² *Ғам* — ишқ, ёд. ³ *Ё* — ёй, камон. ⁴ *Баҳри алтоф* — лутф денгизи.

Такаллуф¹ ҳар неча суратда бўлса ондин ортуқсен,
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен.

Парининг ҳусн ичра гарчи оти бениҳоятдур,
Мени девона қошинда ва лекин ондин ортуқсен.

Пари бу ҳусн бирла кўрса юзунгни, бўлур телба,
Сени таъриф этар, лекин сифат қилғондин ортуқсен.

Қадам ранжида қил² кўнглум учун, эй ёрнинг ўқи,
Менинг бу нотавон кўнглумга чун дармондин ортуқсен.

Иқомат³ чунки қилдинг, Бобиро, ул ҳур кўйида,
Мақоминг⁴ равзадин⁵ авло, ўзунг ризвондин⁶ ортуқсен.

¹ Такаллуф — ҳашамат, безак. ² Қадам ранжида қил — кел, таъриф буюр. ³ Иқомат — яшаш. ⁴ Мақом — турар жой. ⁵ Равза — боғ. ⁶ Ризвон — жаннат.

Гурбату ҳижронга қолдим оҳ ул жон илгидин,
Жонга етдим эмди гурбат бирла ҳижрон илгидин.

Кўрсатур гаҳ тигу¹ гаҳ ўқ, ҳолатимни билмайин,
Не балолар кўрадурмен ёри нодон илгидин!

Эл фиғонимдин бажону² мен бу жондин, эй ажал,
Қил халос элнию мени жону афғон илгидин.

Бобир, ул ой ҳажрида ишинг басе³ душвор⁴ эди,
Шукрим, қутқарди ўлум сени осон, илгидин.

¹ Тиг — пичоқ, ханжар. ² Бажон — жонидан безор бўлган. ³ Басе — жуда. ⁴ Душвор — қийин.

Тушумда чун қуёшдек оразингни кўрдум ўтрудин¹,
Тилармен то қиёмат очмағаймен кўзни уйқудин.

Сенинг васлингдин айру тушгали боргон сори ортар,
Таҳассур² орқадин, меҳнат ёнимдин, ҳажр³ ўтрудин.

Кўнгулдин қатъи уммид айладим ул вақтким билдим,
Кесилди риштаи жондин, осилди тори гисудин⁴.

Тия олмон йиғини кўргоч ул ёшни, вале ул ҳам
Кўзум ёшини кўргач, асрай олмас ўзни кулгудин.

Кўзум ёшики емрулди шикебу⁵ сабр уйи андин,
Зиёнлар санга, эй Бобир, бу янглиғ билмадим су(в)дин⁶.

¹ *Утру* — рўпара, юзма-юз. ² *Таҳассур* — ваҳима. ³ *Ҳажр* — айрилиқ. ⁴ *Гису* — соч. ⁵ *Шикеб* — чидам, тоқат. ⁶ *Су(в)дин* — бу сўзда шоир сўз ўйини қилмоқда: сув — ичиладиган сув; суд — фойда.

Сендин нафасе мурод топмон¹,
Ишқингда кўнгулни шод топмон.

Ишқ аҳлиға илтифот кўрмон²,
Ҳусн аҳлида эътиқод топмон.

Қилсам санга ҳар неча тазаллум³,
Фарёду фиғонки, дод топмон.

Фарёдки, деярга ишқ розин
Бир кишини эътимод⁴ топмон.

Қошинг ғами шарҳини⁵ ёзарға,
Кўз қорасидин мидод⁶ топмон.

Мен банда⁷ жуз⁸ инқиёд⁹ билмон,
Сен шоҳда жуз инод¹⁰ топмон.

¹ *Топмон* — тополмайман. ² *Кўрмон* — кўрмайман. ³ *Тазаллум* — зулмдан зорланиш. ⁴ *Эътимод* — ишонч. ⁵ *Шарҳ* — изоҳ. ⁶ *Мидод* — сиёҳ. ⁷ *Банди* — қул; камтарлик учун айтилган сўз. ⁸ *Жуз* — бундан бошқа, бўлак, ўзга. ⁹ *Инқиёд* — бўйсунмоқ, итоат этмоқ. ¹⁰ *Инод* — ўжарлик, қайсарлик.

Қуёшим ҳар сориға азм ¹ қилса, заррае қолмон,
Не учунким, агар айрилсам андин кун кўра олмон.

Анингдек бўлмишам ҳайрон қуёш янглиғ юзунгаким,
Қуёшдек найзалар тегса кўзумга, кўз ола олмон.

Агарчи ёр ишқи нотавон кўнглумға ўт солди,
Вале мен нотавон ул ёр ишқида кўнгул солмон.

Ибодат вақти бўлса ҳар неча меҳроб² ўтрумда,
Қошин нақшин тасаввур қилмағунча ерга бош чолмон³.

Ироғу Форс гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобир,
Ани ҳифз⁴ этгуси Ҳофиз, мусаллам⁵ тутқуси Салмон⁶.

¹ *Азм* — бошламоқ, киришмоқ. ² *Меҳроб* — сажда қилинадиган жой, топиниладиган гуша. ³ *Чолмон* — (бош) урмоқ, юзни ерга теккизмоқ. ⁴ *Ҳифз* — ёд олмоқ, ўқимоқ. ⁵ *Мусаллам* — маъқулламоқ. ⁶ *Ҳофиз Шерозий ва Салмон Соважий* — машҳур форс-тожик шоирлари.

Ишқ элининг оҳидин ул сарв қад ҳам бўлмасун,
Ғам елидин ул муанбар¹ зулф дарҳам² бўлмасун.

Даҳри дундин тегмасун озор нозик жисмига,
Даҳр аҳлидин муборак³ кўнглига ғам бўлмасун.

Кўп жафоу жавр кўрдум, эй қуёш, ҳажринг куни,
Бошимиздин сояи сарви қадинг кам бўлмасун.

Олам аҳли бирла оламдин манга сенсен ғараз⁴,
Зоти покинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун.

Ғар ҳаводорим⁵ эурсен, эй сабо, арз айлаким,
Ул юзи гул сарв ҳар хас бирла ҳамдам бўлмасун.

Ғарчи ошиқ лозими оламда расволиқдурур⁶,
Ишқ аро Бобир киби расвои олам бўлмасун.

¹ *Муанбар* — анбар ҳидли, хушбўй. ² *Дарҳам* — тарқоқ, паршон. ³ *Муборак* — қутлуғ. ⁴ *Ғараз* — мақсад. ⁵ *Ғаводор* — учағон. ⁶ *Расво* — шарманда.

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду байрамлар,
Манга юзу қошидин айру байрам оинда ғамлар.

Менинг бу тори мў¹ янлиғ танимға тоблар² солди,
Ул оининг юзида сунбул киби зулфидаги хамлар.

Ҳавоға дуди оҳим бутратур³ ишқ аҳли ғайратдин⁴,
Сабо таҳрикидин⁵ ҳаргаҳ паришон бўлса парчамлар⁶.

Очилди зулфию хайлар⁷ намудор⁸ ўлди юзинда,
Гул узра чун бўлур пайдо кеча очилса шабнамлар.

Мену ғам кунжию⁹ оҳу фиғону ашки хун олуд¹⁰,
Не хушдур ғўшаи холи, майи софию ҳамдамлар.

Кўнгулни ишқ бузди не осиг панду насиҳатдин,
Менинг мажруҳ кўнглумға ярашмас ушбу марҳамлар¹¹.

Юзи наврўзию васли идин, Бобир, ғанимат тут,
Ки мундин яхши бўлмас, бўлса юз наврўзу байрамлар.

¹ Мў — соч. ² Тоб — бурамлар. ³ Бутратмоқ — тўзғитмоқ, тарқатмоқ. ⁴ Ғайрат — рашик. ⁵ Таҳрик — титраш, тебраниш. ⁶ Парчам — байроқ учигаги тизимча; кўчма маънода: аёл сочи. ⁷ Хай — тер. ⁸ Намудор — кўринган. ⁹ Кунж — бурчак, ғўша, жой. ¹⁰ Хун олуд — қон юқи. ¹¹ Марҳам — дори-дармон.

Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор,
Юзунгнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ямон қилди, мен андин бир сўрорим бор.

Жаҳондин манга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,
Не ғам, юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгусорим бор.

Агар муслиҳмен¹, ар муфсид² ва гар ошиқмен, ар обид³,
Не ишинг бор сенинг, зоҳид, менингки ихтиёрим бор.

Фиғоним ошди булбулдин, ғами йўқ зарра бу қулдин,
Басе, Бобир, ўшал гулдин кўнгулда хорхорим⁴ бор.

¹ *Муслиҳ* — пок, тоза. ² *Муфсид* — фасодчи, бузуқи. ³ *Обид* — ибодат қилувчи. ⁴ *Хорхор* — иштиёқ.

Баҳор айёמידур доғи йигитликнинг авонидур¹,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Гаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чаман гул чеҳрасидин арғувонидур².

Бино саҳни чаман бўлди, мунаққаш³ ранги гуллардин,
Магарким сунънинг⁴ наққошига ранг имтиҳонидур.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур⁵.

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобирнинг,
Фарибинга тараҳҳум айлагилким, андижонидур.

¹ *Авон* — он, пайт, вақт. ² *Арғувон* — қизил. ³ *Мунаққаш* — нақшли. ⁴ *Сунъ* — яратувчи, қудрат. ⁵ *Равон* — юрадиган, ҳаракатдаги нарса.

Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райҳонидур¹,
Гунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур.

Ул мусалсал² икки зулфи гул юзининг устида,
Гул уза оғнар, магар ул иккининг давронидур.

Уқи захмини кўруб ҳар ён танимда эл дегай,
Ким бу кўҳи³ дарднинг ул лолаи Нуъмонидур.

Сел эмасдур, ер юзин тутқон кўзумнинг ёшидур,
Раъд⁴ эмасдур, кўкка чирмашқон кўнгул афғонидур.

Ложарам⁵ бўлғай паришону ҳавойи мен киби
Зарра янглиғ кимки бир хуршед саргардонидур.

Ул пари ишқида, Бобир, кўнглум андоқ телбадур,
Ким сочи занжиридур, чоҳи⁶ зақан⁷ зиндонидур.

¹ Райҳон — райҳон, бу ерда сўз кўчма маънода: соч. ² Мусалсал — занжирдай сираланган. ³ Кўҳ — тоғ. ⁴ Раъд — чақмоқ, яшин. ⁵ Ложарам — шубҳасиз. ⁶ Чоҳ — қудуқ. ⁷ Зақан — иякдаги чуқурча, кулгич.

Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкилдур,
Сенинг бирла чиқишмоқлик доғи бисёр мушкилдур.

Мизожинг нозику сен тунд¹, мен бир беадаб телба,
Санга ҳолимни қилмоқ, эй пари, изҳор мушкилдур.

Не осиф нолау фарёд хоб олуд² бахтимдин,
Бу унлар бирла чун қилмоқ ани бедор мушкилдур.

Манга осондурур бўлса, агар юз минг туман³ душман,
Вале бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, беёр мушкилдур.

Висолинким тиларсен нозини хуш тортқил, Бобир,
Қи олам богида топмоқ гули бехор⁴ мушкилдур.

¹ *Тунд* — аччиғи тез, жиззаки. ² *Ход олуд* — уйқусираган. ³ *Туман* — ўн минг. ⁴ *Бехор* — тикансиз.

Заъфдин гўё менинг бу зор жисмим нолдур¹,
Ким анинг шарҳин демакта хома² тили лолдур.

- Заъфлиқ жисмим била бу нотавон³ кўнглум аро,
Дард ёр эрканга ушбу эгма қаддим долдур.

Мен дамо-дам қон ютармен ҳажр аёғидин⁴ нетай, -
Узгаларнинг жоми васли гарчи молломолдур⁵.

Зулфиға вобастамен⁶, васлиға йўқдур дастрас⁷,
Эй хуш ул озодаким, беқайду фориғболдур⁸.

Ул паридин мен нечук жон элтайинким, Бобиро,
Васли мушкил, ҳажри муҳлик⁹, гамзаси қаттолдур¹⁰.

¹ Нол — қамиш ичидаги юқа қилтириқ. ² Хома — ручка, қамиш қалам. ³ Нотавон — шўрлик. ⁴ Аёғ — қадаҳ. ⁵ Моломол — лиммо-лим, тўла. ⁶ Вобаста — боғлиқ, боғланган. ⁷ Дастрас — айнан: қўл тегмоқ; эришмоқ. ⁸ Фориғбол — хотиржам, беғам. ⁹ Муҳлик — қийин, оғир. ¹⁰ Қаттол — қотил, ўлдирувчи.

Кўк вусмада¹ ул ой қоши гўё хаёлдур,
Ё ой бошида кўкта кўрунган ҳилолдур.

Не навъ ўхшасун юзига офтобким,
Онинг заволи бордур бу безаволдур.

Оғзию икки зулфу қади бўлмаса манга,
Райҳону сарву ғунча кўрардин малолдур.

Ушшоқ оҳи елидин осеб² тегмасун,
Қаддингки, ҳусн боғида нозик ниҳолдур.

Кўнглумга дард келгали хам бўлди қоматим,
Қаддим магарки дард аёқидаги долдур³.

Гарчи вафоу меҳрни билмас менинг ойим,
Лекин жафоу жаврда соҳиб камолдур.

Ҳар неча беиноят эса ёр, Бобиро,
Сен қўйма хизматингнию они-уболдур.

¹ Вусма — ўсма. ² Осев — зиён, зарар, мусибат. ³ Дол — 1) «д» ҳарфининг номи; 2) эгик, букик.

Хати бинафша, хади¹ ләла, зулфи райҳондур,
Баҳори ҳуснда юзи ажаб гулистондур.

Энги менги² ою, доғи юзу сўзи гулу мул³,
Қади равону тани жону ирни⁴ маржондур.

Қошида чин⁵, кўзида кину⁶ ангабин⁷ лабида.
Сўзида заҳр ва лекин тилида дармондур.

Қошингға кўп бора олмон, нетай аролиқда,
Ёшим тишинг дуридин айру баҳри Уммондур.

Ўтумни тез этасен ҳар тарафға секритиб от,
Саманди⁸ ноз инонини⁹ бери-бери ёндур.

Не навъ васф қилай суратинг латофатини,
Ки ҳуснунгга сенинг, эй руҳу ақл ҳайрондур.

Жафоу жавр агар қилса, Бобиро, нетасен,
Не ихтиёр манга, ҳар не қилса султондур.

¹ Хад — юз. ² Энги менги — ияги ва холи. ³ Мул — май. ⁴ Ирн — лаб. ⁵ Чин — чимириш, ажин. ⁶ Кин — хусумат. ⁷ Ангабин — асал. ⁸ Саманд — от. ⁹ Инон — ихтиёр, изм.

Менинг кўнглумки гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи не имкондур.

Агар ул қөши ёсиз боғ гаштин орзу қилсам,
Кўзумга ўқдурур сарву кўнгулга ғунча пайкондур¹.

Баҳору боғ сайрин не қилайким, дилситонимнинг,
Юзи гул, зулфи сунбул, қомати сарви хиромондур².

Висоли лаззатидин завқ топмоғлиқ эрур душвор,
Фироқи шиддатинда йўқса жон бермаклик осондур.

Бошидин эврулур армони бирла ўлдум, эй Бобир,
Менинг наъшимни³ бори ул пари кўйидин айлондур⁴.

¹ *Пайкон* — камон учудаги металл бошоқ. ² *Хиромон* — чиройли юрмоқ. ³ *Наъш* — тобут. ⁴ *Айлондур* — айлантир.

Сочию кўзию қошидин бошта ҳаводур¹,
Не бошда ҳаво ҳар бириси бошқа балодур.

Қоши ёси била ул қора кўз ғамза ўқини,
Ушшоқдин² ўзга сориға отса хатодур.

Гар чин десангиз кўзи анинг оҳуйи³ Чиндир,
Хаттини хато қилмасангиз мушки⁴ Хитодур.

Эврулсам онинг бошиға, топшурсам анга жон,
Жонимда ҳавас улдур, бошта бу ҳаводур.

Бобир, деса ойини не тонг жавру жафолиқ,
Қим ҳусн эли ойини, бале⁵, жавру жафодур.

¹ Ҳаво — ҳавас. ² Ушшоқ — ошиқлар. ³ Оҳу — кийик. ⁴ Мушк — хушбўй модда. ⁵ Бале — зотан, албатта.

Юзида ул лаби хандон кўринур,
Сутга кўп боқса, бале, қон кўринур.

Хати мушкинмудурур гул юзида,
Ё суман¹ устида райҳон кўринур.

Кўрмагай хотирини жамъ ўзга,
Қимга ул зулф паришон кўринур.

Ишқин эл не хаёл айлабдур,
Асру² мушкулдурур, осон кўринур.

Сарв бўйлуқ санамнинг, эй Бобир,
Рост айтай, сўзи ёлғон кўринур.

¹ Суман — жасмин гул. ² Асру — жуда.

Гурбатта ул ой ҳажри мени пир¹ қилибтур,
Ҳижрон била гурбат манга таъсир қилибтур.

Мақдур² борича қиларам саъйи³ висолинг,
То тенгрини⁴, билмонки, не тақдир қилибтур.

Тақдирдур ул ёну бу ён солгучи, йўқса,
Кимга ҳаваси сунбули татйир қилибтур.

Бу Ҳинд ери ҳосилидин кўр кўнгул олдим,
Не судки, бу ер мени дилгир⁵ қилибтур.

• Сендин бу қадар йироқ ўлмади Бобир,
Маъзур тут⁶, эй ёрки, тақсир⁷ қилибтур.

¹ Пир — қари, кекса. ² Мақдур — куч-қувват, имкон. ³ Саъй — ҳаракат, уриниш. ⁴ Тенгри — худо. ⁵ Дилгир — юриги сиқилган.
⁶ Маъзур тутмоқ — кечирмоқ, афв этмоқ. ⁷ Тақсир — хато, нуқсон.

Сендек манга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек санга бир зори вафодор топилмас.

Бу шаклу шамойил била худ¹ ҳуру парисен,
Ким жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

Ағёр кўз олидау ул ёр аён² йўқ,
Ғам хори кўнгул ичраю ғамхор топилмас.

Эй гул, мени зор этмаки ҳуснунг чаманида,
Кўзни юмуб очқунча бу гулзор топилмас.

Бобир сени чун ёр деди, ёрлиғ этгил,
Оламда кишига йўқ эса ёр топилмас,

¹ Худ — айни. ² Аён — маълум.

Қўй, эй оқил¹, насиҳат сўзларинким дилписанд² эрмас,
Менинг девона кўнглумга насиҳат судманд³ эрмас.

Неча девона кўнглумни қилурсен нафйи⁴, эй оқил,
Агарчи телбадур бори сенингдек худписанд⁵ эрмас.

Қилурсен талх⁶ айшим комини беҳуда сўзлардин,
Саросар⁷ сўзларинг захредур, эй носеҳки, панд эрмас.

Бўлубмен бир парининг анбарин сочиға вобаста,
Мени телбага эмди ҳожати занжиру банд эрмас.

Жаҳонда кўп гадо, гарчи лаванд⁸ атворлиқ⁹ бордур,
Ва лекин, Бобиро, ҳаргиз сенингдек шаҳ лаванд эрмас

¹ Оқил — ақлли, доно. ² Дилписанд — кўнгилга ёқадиган. ³ Судманд — фойдали. ⁴ Нафй — рад қилиш. ⁵ Худписанд — қайсар, ўзбилармон. ⁶ Талх — тахир, аччиқ. ⁷ Саросар — бошдан-оёқ, ҳаммаси. ⁸ Лаванд — бебош, бўш, ялқов, бекорчи. ⁹ Атвор — характер.

Неча даврон¹ ғуссаси² бўлғай менинг жонимға хос³,
Кошки ўлсам доғи бу ғуссадин бўлсам халос.

Оҳу вовайло — сурудим⁴, дарду ғам — ҳамсуҳбатим,
Бода⁵— ашким қони, ким кўрди мунингдек базми хос⁶?

Гар шикастим⁷ бўлса паст агёрдин таън⁸ этмангиз,
Ким шикастиға сабаб олмоснинг бордур расос⁹.

Ошиқ ўлғоч бехуду девона бўлдум, билмадим,
Ким пари рухсоралар ишқиға бу эрмиш хавос.

Хўбларни кўз кўруб, қон қилди Бобир бағрини,
Эмди кўздин қон тўкарменким будур анга қасос.

¹ Даврон — давр, мавжуд замон. ² Ғусса — ғам. ³ Хос — тегишли. ⁴ Суруд — қўшиқ. ⁵ Бода — май. ⁶ Хос — зодагонлар, танланган улуғлар. ⁷ Шикаста — синиқ, ярадор. ⁸ Таън — таъна. ⁹ Расос — қалайи.

Ғофил¹ ўлма, эй соқий, гул чоғин ғанимат тут,
Вақти айш эрур боқий², ол чоғир, кетур, бот³ тут.

Бу насиҳатим англа, не билур киши ёнгла⁴,
Не бўлур экин тонгла, сен бугун ғанимат тут...

Хуштурур висоли ёр анда бўлмаса дайёр⁵,
Бўлса васл эътибор, давлату саодат тут.

Ғам чериги⁶ беҳаддур, чораси будур, Бобир,
Бодани қуюқ келтур, жомни ҳимоят тут.

¹ *Ғофил* — беҳабар. ² *Боқий* — абадий, давомли. ³ *Бот* — тез.
⁴ *Енгла* — қайта, яна. ⁵ *Дайёр* — уй эгаси. ⁶ *Черик* — лашкар, армия.

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдимۇ?
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдимۇ?

Мени хор эттию қилди муддаийға¹ парвариш,
Даҳри дунпарварни² ўзга муддаоси қолдимۇ?

Мени ўлтурди жафоу жавр бирла у қуёш,
Эмди тиргузмоқ учун меҳру вафоси қолдимۇ?

Ошиқ ўлғач кўрдум ўлумни ўзумга, эй рафиқ,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси³ қолдимۇ?

Эй кўнгул, гар Бобир ул оламни истар, қилма айб,
Тенгру учун де, бу оламнинг сафоси⁴ қолдимۇ?

¹ *Муддаий* — даъвогар. ² *Дунпарвар* — пасткашларни ўстирадиган, тубанларни ёқлайдиган. ³ *Ҳарос* — қўрқув. ⁴ *Сафо* — шодлик, хурсандчилик.

Олгали кўнглумни ул юз бида ул гису
Кундуз манга не ором, кеча манга не уйқу.

Ҳар ёнгаки азм этсам ёнимда борур меҳнат,
Ҳар сорига юзлансам ўтрумға келур қайғу.

Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату ғам кўрган,
Осойиши¹ кам кўрган мендек яна бир борму?

Ул юзи қуёш ҳажри, бу саъб² бало дарди,
Кўнглумга урубдур ўт, жонимни қилибдур сув.

Ҳар нечаки муҳликдур, дардингни дема элга,
Ким йиғламогинг, Бобир, бу элга дурур кулгу.

¹ *Осойиши* — тинчлик, ором, фароғат. ² *Саъб* — машаққатли, мушкул.

Олди кўнглумни, соғиндимким манга дилдор эмиш,
Билмадим, бу навъ мендин ул пари безор эмиш.

Ошиқ ўлғоч кўрдум ул шамшод қаддин — юз бало,
Оллоҳ, оллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш.

Илтифот этмаслигин бози¹ хаёл айлар эдим,
Энди билдимким, анга мендин бу янглиғ ор эмиш.

Ул пари ишқида йўқ ўлмоқдин ўзга чорас,
Чун ўзи қотил, сўзи муҳлик, кўзи хунхор эмиш.

Ҳусн аҳли, эй кўнгул, олам аро ишқ аҳлининг
Кўнглини саҳлар эмиш, ҳар кимгаким дилдор эмиш.

Ул вафосиз ёрдин чекмак не, яъни мунча ғам,
Ҳусн аҳли чунки, Бобир, дунйида бисёр эмиш.

¹ *Бози* — жўрттага, ёлгондакам.

Сўрма ҳолимники, бўлдум бурноғидин зорроқ,
Жисм жондин зору жоним жисмдин афгорроқ.

Банда тақрир айлай олмон банд-бандим¹ дардини,
Юз темур банд ўлса андин бу эрур душворроқ.

Масту бехудлуқ² била умрунгни ўткардинг, дариг,
Эй кўнгул, мундин бери бўл бир нима³ ҳушёрроқ.

Ғафлат уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод,
Ким етар мақсадға ҳар ким бўлса ул бедорроқ.

Ўлгали етти менинг жоним ғамидин, эй рафиқ,
Даҳр аро чун йўқ киши сендин манга ғамхорроқ.

Келмас ўхшар захматинг ислоҳға⁴, Бобир, магар,
Ҳар давоким қилдилар, бўлдунг доғи беморроқ.

¹ Банд — аъзо, бўгин. ² Бехуд — ҳушсиз, ўзидан беҳабар. ³ Бир нима — бир оз. ⁴ Ислоҳ — тузатиш.

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Бу замонни нафйи қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ямонлиқ келди маҳзун¹ кўнглума,
Келмади жонимға ҳеч оромижондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не яъни ҳар ямондин яхшилиғ?!

Бори элга яхшилиқ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар, даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиқ аҳли жаҳонда истама Бобир киби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

¹ Маҳзун — ҳазин, ғамли.

РУБОИЙЛАР

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим¹ эрмасмен.
Кобилда иқомат этти Бобир, дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим² эрмасмен.

Ҳажринг ғамидин оқибат ўлгум, қаро кўз,
Юз ғуссау андуҳ³ ила боргум, қаро кўз.
Васлинг била қилмадинг иложин, Бобир,
Мушкилки, фироқингда тирилгум, қаро кўз.

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,
Ё баҳри июнтингда⁴ мустағрақ⁵ қил.
Ёраб, сенгадур юзум қаро, хоҳ оқ қил,
Ҳар навъи сенинг ризонг⁶ эрур, андоқ қил.

Аҳбобға⁷ қилсанг гузар⁸, эй ел, ногоҳ,
Ул жамъни⁹ бу сўзумдин этгил огоҳ.
Сиз кўргандек эсон-саломаттурбиз,
Сиз доғи эсон бўлғайсиз, иншооллоҳ.

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен.
Бобирни сенингдек ўзга йўқ ёри (азизи),
Алқиссаки, умри жовидоним¹⁰ сенсен.

¹ *Лаим* — очкўз, хасис, нокас. ² *Муқим* — турғун. ³ *Андуҳ* — ғам, қайғу. ⁴ *Июнат* — яхшиликлар. ⁵ *Мустағрақ* — ғарқ. ⁶ *Ризо* — рози.
⁷ *Аҳбоб* — дўстлар. ⁸ *Гузар* — бориш, ўтиш. ⁹ *Жамъ* — йиғин аҳли.
¹⁰ *Жовидон* — абадий, доғмий.

Эй гул, не учун қошингда мен хор ўлдум?
Юз меҳнату андуҳ била ёр ўлдум?
Васлинг била бисёр севиндим аввал,
Ҳажринг била оқибат гирифтор ўлдум.

Мен неча жафоу жаврингга сабр этай?
Бир зарра вафоу меҳр йўқ сенда, нетай?
Чун¹ бошим аёғингга қўярға ярамас,
Бошимни олиб оёқ етганча кетай.

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Бу икки иш муяссар² ўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сориға³ кетса киши.

Азм айла, сабо⁴, ул гули хандонимға,
Не гулки, қуёшдек маҳи⁵ тобонимға⁶.
Етгил дағи иштиёқ ила, Бобирдин
Зинҳор дегил: салом туққонимға⁷.

Рафторию⁸ қаддиға равоним садқа,
Бир боқишиға икки жаҳоним садқа.
Оғзию белига буду набудим⁹ сарф,
Кўзию лабиға жисму жоним садқа.

Майхона сори гузар, эй жон, қилма,
Ишрат уйини кулбаи аҳзон¹⁰ қилма.
Зулфунг киби кўнглумни паришон айлаб,
Лаълинг¹¹ киби бағримни тўла қон қилма.

Аҳбоб, йигилмоқни фароғат тутунгиз,
Жамъиятингиз борини давлат¹² тутунгиз.
Чун гардиши чарх бу дурур, тенгри учун,
Бир-бирни неча куни ғанимат¹³ тутунгиз.

Зулфиға кўнгул қўюб паришон бўлдум,
Кўз олдирибон юзига ҳайрон бўлдум.

¹ Чун — экан, шундай экан. ² Муяссар — эришиш. ³ Сори — томон.
⁴ Сабо — шабада. ⁵ Маҳи — ой. ⁶ Тобон — перлоқ. ⁷ Туққонимға — қариндошимга. ⁸ Рафтор — юриш, хатти-ҳаракат. ⁹ Буду нбуд — бор-йўқ. ¹⁰ Аҳзон — ҳазинлик, ғам. ¹¹ Лаъл — лаб истиораси. ¹² Давлат — бойлик. ¹³ Ғанимат — бойлик.

Чин дей сенга, Бобирки, ошиқликда,
Ҳар неки қилиб эдим — пушаймон бўлдим.

Бир зулфдин, эй кўнгил, паришон бўлма.
Бир юзга ҳам асру зору ҳайрон бўлма.
Мен сенга демонки, тарки ишқ эт, лекин
Андоқ қилким, сўнгра пушаймон бўлма.

Аҳбобга ҳар хатки савод¹ этгайсен,
Бизни дағи ул битикда² ёд этгайсен.
Мақсудки, қосиде³ агар келса бу ён,
Бир нома⁴ била кўнгулни шод этгайсен.

Гурбат туғи ёпқон рухи зардимниму дей?
Ё ҳажр чиқарган оҳи сардимниму⁵ дей?
Ҳолинг не дурур, билурмусен дардимни,
Ҳолингни сўрайму, йўқса дардимниму дей?

Бобирни бурун маҳрами асрор эттинг,
Васлингга бериб йўл, ўзунгга ёр эттинг.
Охир бординг, доғи ани зор эттинг,
Ҳижрон алами била гирифтор эттинг.

Юзунг била лабларинг эрур гулу мулдек,
Балки юзунг олида эрур гул қулдек.
Бобир киби ишқдин дам урмайдур эдим,
Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек.

Эй ёр, сенинг васлингга етмак мушқил⁶,
Фархунда⁷ ҳадисингни⁸ эшитмак мушқил.
Ишқингни доғи бартараф етмак мушқил,
Бошни олибон бир сари кетмак мушқил.

Келдим сенга юз умид била, эй моҳ,
Лекин ёндим⁹ юзингни кўрмай, юз оҳ.
Ҳамсуҳбату ҳамроҳни¹⁰ нетай бу йўлда,
Дардинг манга ҳамсуҳбату, ишқинг —
ҳамроҳ.

¹ Савод — қора, ёзиш. ² Битик — хат, китоб. ³ Қосид — даракчи, хабарчи. ⁴ Нома — хат, мактуб. ⁵ Сард — совуқ. ⁶ Мушқил — қийин. ⁷ Фархунда — бахтли, саодатли. ⁸ Ҳадис — сўз. ⁹ Ёндим — қайтдим. ¹⁰ Ҳамроҳ — йўлдош.

Эй ким, манга мужда¹ бердинг ул жонондин,
Қилдинг мени озод ғами ҳижрондин².
Бу муждани не навъ сифат қилғаймен,
Гўёки хабар бердинг ўлукка жондин.

Қиш бўлдию бўлди барча тому тош қор,
Жамъияти бор кишига бордур хуш қор.
Бу қишда ёмон йўлу паришон ҳолим,
Ераб, мени яхшилиқ сариға бошқор.

Эй ким, ёралиқ жисмима марҳам сенсен,
Мажруҳ³ кўнгулға ништарим ҳам сенсен.
Гаҳ шоду гаҳи ғамгин эсам, айб этма,
Ким боиси шодмонлиғу ғам — сенсен.

Бедард⁴ ҳабиб⁵ билмади дардимни,
Туфроқча кўрмади рухи зардимни.
Мендин неча кўнгида ғубори⁶ бўлғай,
Кетдим, муна эмди топмағай гардимни.

Душманники, бу даҳр забардаст⁷ қилур,
Нахват⁸ майидин бир неча кун маст қилур.
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они паст қилур.

Хотирға хутур этти⁹ бу сўз янгла, ахи¹⁰,
Айтай сенга, сен қулоқ солиб англа, ахи.
Умрингни бу кун хуш кечир аҳбоб илаким,
Топилмоғусидур ушбу кун тонгла¹¹, ахи.

Хусн аҳлиға зору мубтало кўз эрмиш,
Жоним била кўнглумга бало кўз эрмиш.
Фаҳм айладим эмди, Бобиро, ишқ ичра
Кўзумни қорортқон қаро кўз эрмиш.

¹Мужда — хушхабар. ²Ҳижрон — айрилиқ. ³Мажруҳ — жароҳатли, яраланган. ⁴Бедард — дардсиз, беғам, лоқайд. ⁵Ҳабиб — дўст. ⁶Ғубор — чанг, тўзон; бу ерда гап гина, хафалик устида кетаётир. ⁷Забардаст — қудратли. ⁸Нахват — ғурур. ⁹Хутур этти — хотирға келди, кўнгилга келди. ¹⁰Ахи — ахир. ¹¹Тонгла — этти.

То водийн ҳажрингда қилибмен манзил,
Сурат била гарчи айрумен мен бедил.
Валлоҳки, эй ёр, сенинг ёдингдин
Бир лаҳзау бир замон эмасмен ғофил.

Ишқингда кўнгил харобдур, мен не қилай?
Ҳажрингда кўзим пуробдур¹, мен не қилай?
Жисмим аро печу тобдур, мен не қилай?
Жонимда кўп изтиробдур, мен не қилай?

Сен анда фароғу² айшу ишрат бирла,
Мен мунда фироқу ранжу меҳнат бирла.
Асрармен ўзум бирла сени нақш қилиб,
Хурсанд бўлурмен ушбу сурат бирла.

Мутрибки, унини ҳар киши гўш³ қилур,
Жон бирла кўнгулни зору мадҳуш қилур.
Мақсуд недурки, элли ёд этганда,
Ул доирада бизни фаромуш қилур⁴?

Хуснунг сифатини эшитиб зор ўлдум⁵.
Кўрмай сени ишқингга гирифтор ўлдум.
Сўрғилки, лабинг фироқи⁶ беҳол этти.
Кўргилки, кўзунг ҳажрида бемор ўлдум.

Ёр ёғлиғидин кўнгулни хурсанд эттим.
Рухум қушини тори била банд эттим.
Кўнглумни не навъ⁷ узай ўшал ёғлиғдин,
Жон риштасини ториға пайванд эттим.

Бобир, неча даҳр мени зор айлар?
Сабримни каму ғамимни бисёр айлар?
То даҳр дурур будур анинг расмиким,
Айриб кишини азизидин, хор айлар.

Ҳажри аро орому қарорим йўқтур,
Васлиға етарга ихтиёрим йўқтур.
Қимга очайин розки, йўқ маҳрами роз⁸.
Ғам кимга дейинки, ғамгусорим⁹ йўқтур.

¹ Пуроб — пур — тўла, об — сув, яъни кўз ёши лим-лим. ² Фароғ — ҳаловат. ³ Гўш — қулоқ. ⁴ Фаромуш қилур — унутади. ⁵ Ўлдум — бўлдим. ⁶ Фироқ — айрилиқ. ⁷ Не навъ — қайтарзда, қандай қилиб. ⁸ Маҳрами роз — сирдош. ⁹ Ғамгусор — ғамни ёзувчи, кўнгил хушловчи, қувонтирувчи.

Ҳижрон аро ёд этиб мени шод этти,
Маҳжур¹ кўнгулни ғамдин озод этти.
Не лутф² эди ул ҳури паризод этти,
Гўёки бузуқ Каъбани обод этти.

Ҳажрингда не қон қолдики, ютмайдурмен?
Кўз ёшини ҳар лаҳза қурутмайдурмен.
Дийдорингнинг³ ҳақини, эй юзи қуёш,
Тенгри ҳақи, бир зарра унутмайдурмен.

Ашъорингким⁴, шеър оти то бўлғай,
Табъ аҳли⁵ анга волау⁶ шайдо бўлғай.
Ҳар лафзи дуру, баҳри маъони⁷ анда,
Ким кўрди дуреки, анда дарё бўлғай.

Улким, анга олам ичра ғолиб йўқтур,
Дедимки, бири келурға роғиб⁸ йўқтур.
Дедимки, бу сўз рост эмастур, нега ким,
Толиб не тилар андаки, толиб йўқтур.

Ҳижрон аро ёд этиб шод айла,
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод айла.
Бу хатни анинг учун битдим мунда,
Кўрган сойи⁹ хатимни, мени ёд айла.

Ул юзи қуёшки, бордур ойдин афзун¹⁰,
Ҳусн ичра ул ой олида хуршед забун¹¹,
То бир кун ул ойдин навозиш топқай,
Кўк доира бўлдию жаложил¹² ою кун.

Сенинг била менки, ошнолиғ қилдим,
Ишқингни ҳазин жонға балолиғ қилдим.
Кўрмай, билмай мени вафосиз дебсен,
Мен санга не навъ бевафолиғ қилдим?

Ул хатки, анда сени мен ёд этгаймен,
Кўз оқида кошки, савод этгаймен.

¹ Маҳжур — айрилган. ² Лутф — марҳамат, яхшилик. ³ Дийдор — юз, чеҳра. ⁴ Ашъор — шеърлар. ⁵ Табъ аҳли — шоирлар, санъат аҳли. ⁶ Вола — ҳайрон, мафтун. ⁷ Маъони — маъно. ⁸ Роғиб — рағбатли, иштиёқли. ⁹ Сои — сайин. ¹⁰ Афзун — ортиқ. ¹¹ Забун — чорасиз, шўрлик. ¹² Жаложил — донранинг ҳалқачалари.

Киприклардин анга қалам рост қилиб¹,
Кўз қаросидин анга мидод этгаймен.

Эй ким, олам шоҳлари шоҳи сенсен,
Бевосита манзури² илоҳий сенсен.
Сен борсен, кимга элтай, эй шоҳ, паноҳ³,
Чун барча жаҳон эли паноҳи сенсен.

Васлингни неча улусдин эшитгаймен?
Не навъ қилиб васлингга етгаймен?
Гар васл муяссар ўлмаса, нетгаймен,
Бошимни олиб қай сориға кетгаймен?

Жоно, битигингки, бўлди марқум⁴ манга,
Меҳнат била ғамни қилди маъдум⁵ манга.
Кўргач ани, гарчи шод беҳад бўлдим,
Мазмуни вале⁶, ўлмади маълум манга.

Ишқинг йўлида фироқ ила нетгаймен?
Бир йўл кўрсатки, васлингга етгаймен.
Васлинг манга гар муяссар ўлмаса
нетгаймен?
Бошимни олиб бир сориға кетгаймен.

Номангки, тириклигим нишони эрди,
Ҳар сатри ҳаёти жовидони эрди.
Ҳар лафзида⁷ ошкор юз ҳарфи вафо,
Ҳар ҳарфидан юз меҳри ниҳоний эрди.

Хатинг била кўнглагингни ирсол⁸ эттинг,
Қайғу била меҳнатимни помол эттинг.
Ул хат ила хотиримни хурсанд айлаб,
Бу кўнглак ила кўнгулни хушҳол эттинг.

Ҳижронда соғиниб мени шод этгайсен,
Мен хастани мухлис эътиқод этгайсен.
Бу хатни анинг учун битидим мунда,
Кўргач бу хатимни мени ёд этгайсен.

¹ Рост қилиб — тиклаб. ² Манзур — маъқул, ёқтирилган. ³ Паноҳ — ғамхўр, ҳомий. ⁴ Марқум — ёзилган. ⁵ Маъдум — йўқотмоқ, йўқ қилмоқ. ⁶ Вале — бирок, лекин. ⁷ Лафз — сўз. ⁸ Ирсол — юбормоқ.

Кўнглум тилаги висол эмиштук, билдим,
Ул васл доғи маҳол¹ эмиштук, билдим.
Ҳар қандаки бўлса, меҳрибондур дер эдим,
Ул доғи² ғалат³ хаёл эмиштук, билдим.

Ишлар бори кўнглунгдагидек бўлғусидур,
Инъому вазифа⁴ бори буйрулғусидур.
Ул ғаллау муҳмалки⁵ деб эрдинг, билдим,
Муҳмалға бўю, ғалладин уй тўлғусидур.

Арбоби⁶ ҳасад сўзига юттунг ўхшар,
Бегоналик атворини туттунг ўхшар.
Бир доғи соқинмадинг⁷ бу фурсатта мени,
Мен хастани, эй ёр, унуттунг ўхшар.

Арбоби ҳасадки, дунёдин дур⁸ ўлғай,
Истар севаридин киши маҳжур ўлғай.
Доим кўрайини юзунг ало⁹ рағми ҳасуд¹⁰,
Ҳар ким кўра олмаса кўзи кўр ўлғай.

Ҳар кўнда юзунгни кўрмак эрур ҳавасим,
Ҳар неча сочинг хаёлидур ҳамнафасим.
Исо дамидин¹¹ руҳ берур жисмимға,
Сенинг соридин паём¹² келтурса насим¹³.

Васлингни тилаб неча сабодин билайин,
Келгилки, қуюндек бошингга эврулайин.
Гар келмасанг, истасанг мени хизматингга,
Бошимни қадам қилиб қадамға келайин.

Жон вола эрур лаъли шакарборингға¹⁴,
Кўнглум ҳам эрур хароб рухсорингга.
Гуфторинг¹⁵ эрур бошдин-аёқ барчаси ҳўб,
Мен банда бўлай боштин-аёқ борингға.

¹ Маҳол — гумон, амалга ошиши шубҳали. ² Доғи — ҳам. ³ Ғалат — хато. ⁴ Вазифа — ойлик, маблағ, пул. ⁵ Муҳмал — ташландик. ⁶ Арбоб — вакил, киши. ⁷ Соқин — эсла. ⁸ Дур — узоқ. ⁹ Ало — эй, ҳой. ¹⁰ Рағми ҳасуд — ҳасадчига қарши. ¹¹ Дам — нафас. ¹² Паём — дарак, хабар. ¹³ Насим — шабада. ¹⁴ Лаъли шакарбор — шакар ёғилдиган лаб. ¹⁵ Гуфтор — сўз, нутқ.

Хуснунгки сенинг, шуҳраи офоқ¹ ўлди,
Жон бирла кўнгул васлингга муштоқ² ўлди.
Ҳажринг аро интизор ҳаддин ошти,
Кел ё мени иста, тоқатим тоқ ўлди.

Эйким, ясабон юзунгни хуршед³ эттинг,
Фурқат аламини манга жовид⁴ эттинг.
Мен сени дедим, сен ўзгани қилдинг ёд,
Навмид⁵ ўлғил, чун мени навмид эттинг.

Ҳар ким деса бурна, ё агар ёнгла мени,
Ўзингга мусоҳибу⁶ муҳиб⁷ англа мени.
Бу кун мени ёд этиб, унутма тонгла,
Зинҳорки, кўз тут ушбу кун тонгла мени.

Асру кўп эмиш журъату ҳиммат сизга,
Рўзи қилғай худой нусрат⁸ сизга.
Мардоналигингизни⁹ бори¹⁰ эл билди,
Раҳмат сизга, ҳазор¹¹ раҳмат сизга.

Ётларни керакки, ошно кам қилсанг,
Ҳар кимки вафо қилса, жафо кам қилсанг.
Навмид бўлур барча вафодорларинг,
Гар шаҳназаринг бирла вафо кам қилсанг.

Ераб, манга нетди бўлди шоҳим билмон,
Кўз ёшидин ўзга узрҳоҳим билмон.
Бир ҳам назар этмас эътиқодимни билур,
Ҳар лаҳза итоб¹² этар гуноҳим билмон.

Бу хаста кўнгул эрур висолинг била хуш,
Жоним ҳам эрур сенинг жамолинг била хуш.
Ҳижрон ғами гарчи асру нохуштур, лек —
Фикринг била шодмен, хаёлинг била хуш.

Ишқ ишини боштин яна бунёд¹³ этайин,
Ишқинг ғами бирла хотирим шод этайин.

¹ Шуҳраи офоқ — оламга машҳур. ² Муштоқ — зор. ³ Хуршед — қўёш. ⁴ Жовид — мангу, абадий. ⁵ Навмид — умидсиз, ноумид. ⁶ Мусоҳиб — суҳбатдош. ⁷ Муҳиб — азиз, дўст. ⁸ Нусрат — мадад. ⁹ Мардоналиг — жасорат. ¹⁰ Бори — ҳаммаси. ¹¹ Ҳазор — минг. ¹² Итоб — зулм, қийнов. ¹³ Бунёд — яратил, бино қилиш.

Дёбсенки, унутма мени ҳижрон аро, вой,
Сени унутиб, не кишини ёд этайин?!
.

Толёъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ераб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Неча манга жавр муттасил¹ қилгайсен?
Меҳринг йўқу неча мунфаил² қилгайсен?
Жаврингни кўруб, меҳрингни кўрмай

кеттим,
Гар кўрсаму кўрмасам, биҳил қилгайсен³.

Бу чеҳраи зардимдин уёлсанг нетгай?
Раҳмат⁴ назарини манга солсанг нетгай?
Бир ишва била кўнгул бериб Бобирға,
Бир бўса била кўнглини олсанг нетгай?

Жон аҳди бор, эй нигор⁵, етмасму эди?
Ул аҳд била қарор етмасму эди?
Эмди доғи васл интизорин берасен,
Мунча маҳал⁶ интизор етмасму эди?

Ҳижрон ғамидин неча шикоят қилайин,
Келгилки, васлдин ҳикоят қилайин.
Тенгри ҳақи, бизни деб агар сен келсанг,
Кўнглунгдагидек лутфу иноят қилайин.

Эй ёр, жафо расми чиқормоқ не эди?
Ё меҳр гиёҳини қўпормоқ не эди?
Бир меҳр яна лутф, яна жавр недур,
Бир бордингу келдинг, яна бормоқ не эди?

¹ Доим соғиниб кўнгулни ол, хуш қолғил,
Раҳмат назарини манга сол, хуш қолғил.
Нохуш эди буки, мен ёмон бордим, лек
Сен, лола узор⁷, яхши қол, хуш қолғил.

¹ Муттасил — тинимсиз. ² Мунфаил — хижолат. ³ Биҳил қил-
моқ — кечмоқ, баҳридан ўтмоқ, кечирмоқ. ⁴ Раҳмат — раҳм-шафқат.
⁵ Нигор — айнан: нақш. Бу ўринда: гўзал, ёр маъносида. ⁶ Маҳал —
вақт. ⁷ Узор — юз, чеҳра.

Менинг тилагим будурки, навозанда¹ бўлай,
Ҳар қанда² эсанг, мен доғи анда³ бўлай.
Не хулқ эди, яна кўнглум олдинг сўз ила,
Ширин сўзу, яхши хулқунгга банда бўлай.

Эй ел, бориб аҳбобқа номимни дегил,
Ҳар ким мени билса бу каломимни⁴ дегил.
Мендин демагил гар унутилгон бўлсам,
Ҳар кимки мени сўрса, саломимни дегил.

Андин бериким, қасдим учун турди фироқ,
Юз дарду аламни манга еткурди фироқ.
Мени эшигингдин, нетайин, сурди фироқ,
Қил чора, йўқ эрса, мени ўлтурди⁵ фироқ.

Ишванг бида ғамзангнию нозингниму дей?
Жавринг бида сўзунгу гудозингниму⁶ дей?
Сўзунг, қилигинг, навозишингму этай,
Овозу усулингнию⁷ созингниму дей?

Не ишрату айш учун майи ноб манга,
Не тоат учун гўшай⁸ меҳроб манга.
Не фисқ⁹ қилурға бордур асбоб манга,
Не зоҳид ўлурға тоқату тоб манга.

Мунча мени зор, эй юзи хуршед, этма,
Фурқат аламини манга жовид этма.
Тенгридин агар сенинг умидинг бордур,
Тенгри учун, эй ой, мени навмид этма.

Юз жаҳд¹⁰ ила етмон санга, эй ой, нетай?
Ҳажринг аламида неча йиғлай, нетай?
Йўқ санга вафоу раҳму парвой, нетай,
Эй вой нетай, вой нетай, вой нетай?!
Эй ким, қуёш ул юзунг, ҳилол¹¹ ул қоштур,
Пўлоддур кўнглунгу бағринг тошдур.

¹ Навозанда — чолғувчи. ² Қанда — қаерда. ³ Анда — у ерда. ⁴ Калом — сўз. ⁵ Ултурди — ўлдирди. ⁶ Гудоз — куйдириш. ⁷ Усул — ўйин, ишва. ⁸ Гўша — бурчак. ⁹ Фисқ — бузукчилик. ¹⁰ Жаҳд — ҳаракат, ғайрат. ¹¹ Ҳилол — янги кўринган ой.

Номамга агар яхши жавобинг йўқтур,
Сўкмак била ёд айласанг ҳам хуштур.

Шоҳим, санга маълум эмастур, не қилай?
Оҳим санга маълум эмастур, не қилай?
Мен юзу қошинг дермену сен бадру¹ ҳилол,
Моҳим, санга маълум эмастур, не қилай?

Етсам санга қуллуғимни чўқ² арз қилай,
Сен етсангу мен десамки йўқ, арз қилай.
Кўптур сўзуму маҳрам эмас ҳеч киши,
Рухсат эса тобуғунгда³-ўқ арз қилай.

Туз оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобир,
Юз оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобир.
Сарриштай⁴ айшдин кўнгулни зинҳор,
Уз, оҳ, Заҳириддини Муҳаммад Бобир.

Раҳмингни кўнгул тилар, анго қилгайсен,
Заҳмингни кўнгулга бехато қилгайсен.
Тил икки алиф кўксума наъл⁵ ўртадаким,
Кўнглум тиларин ҳақин адо қилгайсен⁶.

Ҳолимга керак ҳабиб эврулса эди,
Ишрат қадаҳи ҳабибдин тўлса эди.
Хушвақт турур ёр, вале мен нохуш,
Хушвақт бўлур эрдим чоғир бўлса эди.

Ким ёр анга илм толиби илм⁷ керак,
Урганали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби, илм керак.

Улфат тутай ар⁸ бор эса таълифи шариф,
Инсоф берай гар ўлса таснифи⁹ шариф.
Маъруфдурур эл ичра таърифи шариф,
Бўлгай шарафим кетурса ташрифи шариф.

¹ Бадр — тўлин ой. ² Чўқ — кўп, роса. ³ Тобуқ — остона. ⁴ Сарришта — калавнинг учи. ⁵ Наъл — тақа. ⁶ Адо қилмоқ — бажармоқ.
⁷ Толиби илм — илм талабкори, ўқувчи, талаба. ⁸ Ар — агар сўзининг қисқаргани. ⁹ Тасниф — ёзилган асар.

Бу телба кўнгулки, ишқ анинг судидур,
Аҳбобнинг ихтилоти мақсудидур.
Ҳижрон чекиб аҳбобни ҳар кимки кўрар,
Хуш давлатию толеи масъудидур¹.

Лутф этсангу кўнгул била жон ўргатсанг,
Васлинг била, эй жони жаҳон, ўргатсанг.
Бу қатла² ёмонроқ ўлса ҳолим сенсиз,
Айб айламагайсену ёмон ўргатсанг.

Ёр улдурким шеърға майли бўлса,
Нетгай киши шеър ғайр хайли³ бўлса.
Ағёрнинг озорини ҳар ҳол била
Чеккаймен агар бори туфайли бўлса.

Даврон мени ўткарди сару сомондин,
Айирди бир йўла мени хонумондин.
Гаҳ бошима тож, гаҳ балои таъна,
Неларки, бошимға келмади даврондин.

Кўзунгдин эрур, назора қил, хасталигим,
Қошингдин эрур ғам била пайвасталигим⁴,
Бошимни олиб кетгай эдим юз қатла,
Бўлмасайди сочингға дилбасталигим⁵.

Меҳринг недурур, бурунму ё жавр кейин,
Бефойда ишқинг ғамини неча ейин?
Ҳолимни неча десам, демассен мени ёр,
Сен демасанг, эй ёр, мени, мен не дейин?!

Неча бу фалак солғуси ғурбатқа мени,
Ҳар лаҳза тугангусиз машаққатқа мени.
Не чора қилай, нетайки, тенгри гўё,
Меҳнатни манга ёр этти, меҳнатқа мени.

Гар меҳр била бу чарх эврулса эди,
Жонлардин анинг жавфи⁶ керак тўлса эди.
Бобир киби жонға меҳр боғлар эрдим,
Гар ушбу жаҳонда меҳрижон бўлса эди.

¹ *Масъуд* — саодатли, бахтли. ² *Қатла* — гал, дафъа. ³ *Хайл* — тўда, гуруҳ. ⁴ *Пайвасталиқ* — уланган, туташган. ⁵ *Дилбаста* — юраги боғлиқ, мафтун. ⁶ *Жавфи* — қўйни, бағри.

Эшитса киши, бу шўру шеван¹ не дегай?
Доим бу тариқ ичкуни² кўрган не дегай?
Душман сўзига кирма, эшит дўст сўзин,
Эшитмаса сўзни дўст, душман не дегай?

Бошимни гуфайл³ ул саромадқа⁴ қилай,
Жонимни фидо ўшал сиҳи қадқа⁵ қилай.
Бу хаста кўнгул била хамида⁶ қадни
Кўзи била зулфиға онинг садқа қилай.

Васлингга кўнгул қиёссиз толибтур,
Ҳажринг аро ихтиёрсиз қолибтур.
Муштоқлигим шарҳини дея олмасмен,
Дийдоринга иштиёқ кўп голибтур⁷.

Гар руҳ дам этса эрди оҳанги нағам⁸,
Мажлисида не ҳузн⁹ қолур эрдию не ғам.
То борғали руҳ, дам беринг мажлисдин,
Мажлис элига не руҳ қолдию не дам.

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма.
Борғонни кел эмди ёд қилмай, эй дўст,
Бориш-келишингни лутф этиб ўксутма¹⁰.

Хатингни кўруб кўнгулга ҳайрат бўлди,
Шеъринг эшитиб жонға масаррат¹¹ бўлди.
Бу неча маҳол тағофул¹² эттинг, демаким,
Толё йўқ эдики, мунча ғафлат¹³ бўлди.

Сўз сўрғали лаъли нуктадонинг¹⁴ топмон,
Юз суртғали ул остонинг топмон.
Беному нишонлиғ истасам не тонгким¹⁵,
Номингни эшиттиму нишонинг топмон.

¹ Шеван — нола, фиғон. ² Тариқ ичку — бундай ичиш. ³ Гуфайл — сабаб, баҳона. ⁴ Саромад — юксак, юқори. ⁵ Қад — бўй, гавда, жусса. ⁶ Хамида — эгик. ⁷ Голиб — устун, кучли. ⁸ Нағам — нағмалар, музика асбоблари. ⁹ Ҳузн — хафалик. ¹⁰ Ўксутма — камайтирма. ¹¹ Масаррат — қувончлар. ¹² Тағофул — билмасликка солиш. ¹³ Ғафлат — беҳабарлик. ¹⁴ Нуктадон — нозик фикрни англовчи. ¹⁵ Тонг — ҳайрат.

Ҳижрон аро неча нома таҳрир қилай,
Хома тили бирла ҳол тақрир қилай.
Хуш улки сўзум санга десам воситасиз,
Сен андау мен мунда, не тадбир қилай?

Эй қомати сарву лаблари оби ҳаёт¹,
Будур тилагимки, етгамен васлингга бот².
Ҳажрингда манга не сабр қолди, не сабот,
Ё кел бу сориға, ё мени ўзунга қот³.

Эй ёр, ҳазин⁴ кўнгулни ёд айламадинг,
Меҳрингни кам айладинг, зиёд айламадинг.
Ё менда гуноҳ бордур, унутдинг, ё сен,
Оё не жиҳатдурурки, ёд айламадинг?

Хуш улки, кўзум тушса сенинг кўзунгга,
Бевосита ҳолимни десам ўзунгга.
Бермай сўзума жавоб аччиғланасен,
Қилдинг мени муҳтож чучук⁵ сўзунгга.

Сен гулсену мен ҳақир⁶ булбулдурмен,
Сен шуъласену ул шуълаға мен қулдурмен.
Нисбат йўқтур деб ижтиноб⁷ айламаким,
Шаҳмен элга, вале санга қулдурмен.

Хуснунгни сенинг кимки тааққул қилғай⁸,
Сендин бошқә нечун тажаммул⁹ қилғай.
Бу таъбу, бу ихтилотким сенда дурур,
Не менки, бори олам элин қул қилғай.

Гавғода май иртикоб¹⁰ қилмоқ мушқил,
Жонға куч ила азоб қилмоқ мушқил.
Бўлмай дағи маст, хоб қилмоқ мушқил,
Аҳбобдин ижтиноб қилмоқ мушқил.

Хотирни баҳор фаслида гашт¹¹ оладур,
Кўз нурини ранги лолау дашт оладур.

¹ *Оби ҳаёт* — ҳаёт суви, тириклик суви. ² *Бот* — дарҳол. ³ *Қот* — ёндоштир. ⁴ *Ҳазин* — ғамли. ⁵ *Чучук* — ширин. ⁶ *Ҳақир* — бечора.
⁷ *Ижтиноб* — тортиниш, ўзини олиб қочиш. ⁸ *Тааққул қилмоқ* — ақл юргизмоқ.
⁹ *Тажаммул* — лабдаба, ҳашамат. ¹⁰ *Иртикоб* — ноўрин иш қилмоқ.
¹¹ *Гашт* — сайр.

Хуш улки толаларда¹ юруб сайр этса,
Бу фаслдаким латифу дилкаш² толадур.

Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз,
Ҳар кимки, ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Шеъринг эшитур фикрини Бобир қилди,
Не фикри хушу яхши тасаввур қилди!
Кўзни ёруқ айлади саводи бирла,
Мазмуни била қулоқни пурдур³ қилди.

Гар сидқ⁴ била бир ўзга ошиқ бўлғай,
Маъшуқ висоли анга лойиқ бўлғай.
Пир оллида топқуси муродин бетанг⁵,
Ҳар кимки агар муриди⁶ содиқ бўлғай.

Бесабрмену бесару сомондурмен,
Бир ғамзададурмену⁷ паришондурмен.
Не диннинг ишин қилдиму не дунёнинг,
Ёраб, нетай, ўз ишимга ҳайрондурмен.

Кўз шамъини ёрутқали маҳваш келдинг,
Сабр уйини куйдурғали оташ⁸ келдинг.
Қилдинг мени келганинг билā миннатдор,
Раҳмат санга, яхши келдингу хуш келдинг.

Юз шукр қилайки, ёна ошиқ бўлдум,
Оламға бўлиб фасона⁹ ошиқ бўлдум.
Яхши сўзунгу васфи жамолинг эшитиб,
Кўрмай сени ғойибона ошиқ бўлдум.

Эй ой, юзунг олида қуёш шарманда,
Ширин сўзу яхши хулқунга мен банда.
Ҳижронда неча нома била сўзлашалинг,
Ё сен бери кел, ё борайин мен анда.

¹ Тола — дала. ² Дилкаш — кўнгилини жалб этувчи. ³ Пурдур — дурга тўла, тўлиқ. ⁴ Сидқ — поклик, тўғрилиқ. ⁵ Бетанг — қийналмай.
⁶ Мурид — мухлис, диний шогирд. ⁷ Ғамзада — ғам эзган. ⁸ Оташ — олов. ⁹ Фасона — афсона, эртак.

Ераб, менда не яхши толеъ бордур,
Ким бахти мутеъу ёри тобеъ бордур.
Маъзур тут ар васлингга кечроқ етсам,
Не чора қилай, озгина монеъ¹ бордур.

Сенсиз неча ғам бирла малоли кўралинг,
Ҳажринг неча бўлғуси, висоли кўралинг.
Ҳажрингда неча хаёл ила ўткаралинг,
Лутф айлау келгилки жамоли кўралинг.

Ҳажрингда бу тун кўнгулда қайғу эрди,
Васлингга етишмадим, жиҳат бу эрди:
Оҳим тутуни бирла кўзумнинг ёшидин
Йўл балчиқ эди, кеча қаронғу эрди.

Ҳажрингда агарчи жонға бедод эрди,
Сенсиз манга юз фиғону фарёд эрди.
Фикрингдин эди ва лек хурсандлиғим,
Зикринг² била бу хаста кўнгул шод эрди.

Кўрдунг, доғи кўзунгга гирифтор эттинг,
Сўрдунг, доғи сўзунгга гирифтор эттинг.
Бу табъу каломинг била ўз бошинг учун,
Бошдин мени ўзунгга гирифтор эттинг.

Ишқинг мени қилди асру шайдо, нетайин?
Олам элига айлади расво, нетайин?
Жонимни фидо қилиб санга андин сўнг,
Дерменки, сени жон этай, аммо нетайин?

Идрокингу³ табъи ҳушунгга банда бўлай,
Овозу усулу жўшунгга⁴ банда бўлай.
Тақсим⁵ қилурда нақшларға абъёт⁶,
Таъриб⁷ била ўқушунгга банда бўлай.

Келди рамазону мен тақи⁸ бодапараст⁹,
Ийд ўлдию зикри май қилурмен пайваст¹⁰.

¹ Монеъ — тўсиқ. ² Зикр — номини айтиш, эшлаш. ³ Идрок — фаҳм қудрати, англаш кучи. ⁴ Жўш — қизғинлик. ⁵ Тақсим — бўлиш.
⁶ Абъёт — байтлар, шеър. ⁷ Таъриб — ифодали. ⁸ Тақи — тагин, яна.
⁹ Бодапараст — май ичувчи. ¹⁰ Пайваст — узлуксиз, тинимсиз.

Не рўзау не намоз йиллар, ойлар,
Тун-кун маю, маъжун¹ била девонау маст.

Жисмимда иситма тобидин оташдур,
Жонимға балоу ғусса беваркашдур².
Кўп дард ила ғамдин менга нохушлуқ эди,
Сен сўрғали, эй ҳабиб, кўнглум хушдур.

Ҳар ердаки гул бўлса, тикан бўлса нетонг,
Ҳар қандаки май, дурдидин³ бўлса нетонг.
Шеъримда агар ҳазл, агар жид⁴, кечуринг,
Яхши борида агар ёмон бўлса нетонг.

Жониға етушти тузу тоғ бирла кўнгул,
Дардини тугатмас иситмоғ⁵ бирла кўнгул.
Ғурбатда оёқ бирла бадан етмасдек,
Юз шукрки, тинчдур қулоғ бирла кўнгул.

Ул шўхки, билдурди вафодорлигин,
Тарк айлади гўё ситамкорлигин⁶.
Луфт айлади, ёрлиққа фармон берди,
Аъдо⁷ била ёрдур, нетай ёрлигин.

Сенинг била сўз муқаррар андоқ⁸ қилайин,
Оламда сени муътабар андоқ қилайин.
Тенгри ҳақи, бу хизмат агар сен қилсанг,
Ҳар навки кўнглунг тилар андоқ қилайин.

Ҳижрон ғамидин заиф жоним сўлди,
Ғурбат алами бирла ичим қон тўлди.
Юз шукрки, мунча йилғи ғам бирла алам
Роҳат била ишратқа мубаддал ўлди⁹.

Ишқинг, нетай, ихтиёрсиз қилди мени,
Сабримни олиб қарорсиз қилди мени.
Олам эли ичра орсиз қилди мени,
Зухд аҳлиға эътиборсиз қилди мени.

¹ Маъжун — кайф берувчи қорнша модда. ² Беваркаш — оғирлиги чексиз. ³ Дурд — қуйқа. ⁴ Жид — жиддий. ⁵ Иситмоғ — иситма ⁶ Ситамкор — қийновчи, зулм қилувчи. ⁷ Аъдо — ёв, душман. ⁸ Андоқ — ўшандай. ⁹ Мубаддал ўлмоқ — айланмоқ.

Озор¹ ила неча гуфтугү² қилғайсиз,
Озурда³ бўлурни жустужу⁴ қилғайсиз.
Мунчаки кўнгулларга етушти озор,
Май бирла, магарки, шустушү⁵ қилғайсиз.

Бу ёғлиғким боғи жинон⁶ чоғлиқдур,
Жон риштаси ҳар риштасиға боғлиқдур,
Тан тори юзум олтунидектур сенсиз,
Кўр ул иккидин намуна бу ёғлиқдур.

Гар водийи ҳажринг аро бўлдум мокис⁷,
Айб айламаким, ҳодисаидур ҳодис.
Қавми⁸ ажаби чоғирға қилди тарғиб,
Амри ажаби ҳажрға бўлди боис.

Қосидки, йибординг, айлади шод мени,
Доим бу юсунлуқ айлагил ёд мени.
Озодинга⁹ қул бўлайки, хатинг кетуруб,
Ҳажринг ғамидин айлади озод мени.

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа¹⁰ ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу «Вақоеъ»ни¹¹ ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

Не хеш¹² мени хушлару не бегона,
Не ғайр ризо мендину не жонона.
Ҳар нечаки яхшилиқта қилсам афсун¹³,
Халқ ичра ёмонлиғ била мен афсона.

Хатимни кўруб, сўзумни чун билгайсен,
Келмакта бизга ел киби елгайсен.
Ихлосингни билиб йибордим қосид,
Раҳмат санга, зинҳорки, бот келгайсен.

¹ Озор — қийноқ. ² Гуфтугү — сўзлашув. ³ Озурда — қийналганлик. ⁴ Жустужу — қидириш, ахтариш, излаш. ⁵ Шустушү — ювиш, ювиб-тараш. ⁶ Жинон — жаннат. ⁷ Мокис — туриб қолувчи. ⁸ Қавм — одамлар жамоаси, гуруҳи. ⁹ Озод — эркин; бу ерда: ёр бўйи маъносида. ¹⁰ Турфа — ажойиб, ҳар хил. ¹¹ «Вақоеъ» ёки «Воқеанома» «Босирнома» нинг автор томонидан қўйилган номидир. ¹² Хеш — қариндош. ¹³ Афсун — ҳийла.

Кўнглумда ўту икки кўзумда сувдур,
Мен хастага раҳм қилки, ҳолим будур.
Ғам кундузию фироқ шоми янглиғ,
Тун-кун манга не қарору¹ не уйқудур.

Аҳбоб йиғинидин неча мен қолғаймен?
Арзимни нетиб ул орага солғаймен?
Борсам дағи анда меҳмон касратидин²
Маълум эмаски, ер топо олғаймен.

Эл суҳбатинки, орзу қилмишмен,
Не хушлуғ ила бу гуфтуғу³ қилмишмен,
Ишрат била айшни не иш қилғаймен,
Менким, ғаму меҳнат била хў⁴ қилмишмен?!¹

Давлат била шоду шодмон бўлғайсен,
Шавкат била машҳури жаҳон бўлғайсен.
Кўнглудагидек даҳр⁵ аро ком⁶ суруб,
Бу даҳр борича комрон⁷ бўлғайсен.

Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Олудаи⁸ юз туман маосий⁹ бўлмоқ,
Юз ранжу туман азоб хоси бўлмоқ.
Кўп яхши экин аҳли хираднинг қошида,
Қим оғритибон атони осий бўлмоқ.

Май таркини қилғали эрурмен ғамлиқ,
Бор тийра кўнгулга ҳар замон дарҳамлиқ.
Ғам бирла фасудалиқ¹⁰ ҳалок этти мени,
Май бирла эмиш шодлиғу хуррамлиқ.

Май таркини қилғали паришондурмен,
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.

¹ Қарор — тиним. ² Қасрат — кўп, мўл. ³ Гуфтуғу — сўзлашув.
⁴ Хў — ўрганилган, касб этилган, кўникилган. ⁵ Даҳр — олам, дунё.
⁶ Ком — мақсад; бу ўринда давр сурмоқ маъносиде. ⁷ Комрон — бахтли, саядатли. ⁸ Олуда — булганган. ⁹ Маосий — гуноҳлар. ¹⁰ Фасудалиқ — бузғунчилик.

Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.

Аҳбоб, фироқингиз бида эл нетгай?
Сизларга киши не чора айлаб етгай?
Жамъиятингизни¹ жамъ тутқай тенгри,
Бобирни доғи бу жамъда жамъ этгай.

Бемеҳр, деса эл сени, мен бутмас² эдим,
Ҳаргиз бу сифатни санга ёвутмас³ эдим,
Ноҳақ оғриб мени унуттунг охир,
Валлоҳки, сендин бу тамаъ⁴ тутмас эдим.

Ҳижрон қафасида жон қуши дам⁵ қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не навъ битай⁶ фироқу ғурбат шарҳин?
Ким кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

Ўт солди кўнгулга ранжу бетоблиғим,
Сув қилди бу хаста жонни беоблиғим.
Бу иккаласи агарчи бор муҳлику саъб⁷,
Лек ўлтурадур тонгғача бехоблиғим⁸.

Кўз равшан эди сенинг жамолинг бирла,
Кўнгул хуш эди сенинг висолинг бирла.
Бас тийрау нохуш этти ҳажринг бизни,
Эмди қилалинг хўй хаёлинг бирла.

Нетгай киши бу фалак нифоқи⁹ бирла,
Этгай бу фалак обу суроқи бирла.
Гаҳ тиргузадур висол айёмидин,
Гаҳ ўлтурадур шоми фироқи бирла.

Қотингда¹⁰ агар гуноҳ гоҳе қилдим,
Юз қатла надомат¹¹ бида оҳе қилдим.

¹ *Жамъият* — йиғин, мажлис, базм. ² *Бутмоқ* — ишонмоқ. ³ *Евут-*
моқ — яқинлаштирмақ. ⁴ *Тамаъ* — сўраш, кўз тутини. ⁵ *Дам* — бўғил-
моқ. ⁶ *Битай* — ёзай. ⁷ *Муҳлику саъб* — ҳалок этувчи машаққат.
⁸ *Бехоб* — уйқусиз. ⁹ *Нифоқ* — зиддият, келишмовчилик. ¹⁰ *Қотингда* —
ёнингда, ҳузурингда. ¹¹ *Надомат* — пушаймон.

Қилдим ёмону асру табоҳе¹ қилдим,
Лутфунг била сен кечур, гуноҳе қилдим.

Эйким, бари шеър аҳлига сен хон янглиғ,
Шеъринг бори шеърларга султон янглиғ.
Мазмуни анинг хати саводи ичра,
Зулмат орасида оби ҳайвон янглиғ.

¹ Табоҳ — ёмон, бузилган, вайрон.

ТУЮҚЛАР

Мени беҳол айлаган ёр ойдурур,
Қим анинг васли манга ёройдурур,
Гар висоли бўлмаса, кетар ерим
Ё Хуросон, ё Хито, ё Ройдурур.

Улки ҳар кўзи ғазоли¹ Чиндурур,
Қошида пайваста онинг чиндурур.
Чунки кўн ёлғон айтти ул манга,
Гар десам ёлғончи они чиндурур.

То чиқарди хат узори покидин²,
Гул юзи озурда бўлди покидин³.
Истар эрдим эл бурун юз меҳр ила,
Эмди ул юз меҳр кетти покидин⁴.

Қадимни фироқ меҳнати ё қилди,
Қўнглум ғаму андуҳ ўтиға ёқилди.
Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,
Билмон сайга шарҳ қилмади, ё қилди.

¹ Ғазол — кийик. ² Поқ — тоза. ³ Поки — устара. ⁴ Покидин — бутунлай.

ҚИТЪАЛАР

Не суд андин пой¹ дар гиллигим²,
Чу ал³ дўстлардин ул ой юб эмиш.
Узин фориғу бизни қилғон асир,
Ким эрмиш бу янглиғ ул Айюб эмиш.

Муяссар ўлса агар ёр васли ғурбатта,
Ватанни не қилаю ўз диёр нега керак?
Йиборди ёр манга ёдгор деб хатини,
Манга ҳабиб керак, ёдгор нега керак?

¹ Пой — оёқ. ² Гил — лой. ³ Ал — қўл.

ФАРДЛАР

Хуш ул бурунқи¹ замонларки ўттию борди,
Хуш ул кишики, замонни яхши ўткарди.

Дўстлуқни гар тиларсен, айласанг исбот қил,
Сухбатингга асру кўп муштоқдурмен бот қил...

Сендин айру найлагаймен айшу саҳбо² хушлуғин,
Қи сенинг учун тилармен барча дунё хушлуғин.

Тутмағил, эй гул, равоким ишқинг ичра бир ғариб,
Ерга бош қўйгай хазон япроғи янглиғ сарғариб.

Ёр қадрин билмадим, то ёрдин айрилмадим,
Ёр қадри мунча ҳам душвор экандур, билмадим.

Кўзумнинг нури сен, кўнглум ҳузурин,
Таним хуррамлиғи, жоним сурури.

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ғам ҳар сў³,
Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам оқар сув.

Ул пари рухсори⁴ ҳаргиз нотавонлиқ кўрмасун,
Яхшидур яхши киши, ҳаргиз ямонлиқ кўрмасун.

Сенинг учун ватаним кўҳу дашт бўлғусидур,
Анинг учунким, вафосиз ғазол кўрунасен.

Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни.

¹ Бурунқи — илгариги, ўтмиш. ² Саҳбо — май. ³ Сў — томон.

⁴ Рухсор — юз, чеҳра.

М У Н Д А Р И Ж А

Ғазаллар	3
Рубойлар	61
Туюқлар	83
Қитъалар	84
Фардлар	85

На узбекском языке

Школьная библиотека

БАБУР

ИЗБРАННОЕ

Составители:

**ВАХАБ РАХМАНОВ,
НАРИМАН ТАДЖИЕВИЧ ХАТАМОВ**

*Издательство «Ўқитувчи»
Ташкент — 1976.*

Редактор *Х. Эвандов*
Бадний редактор *П. А. Бродский*
Тех. редактор *Т. Ф. Сжиба*
Корректор *Ж. Нуриддинова*

Тиражга берилди 5/VI—1975 й. Босишга рухсат
этилди 24/II—1976 й. Қоғоз № 3. 84 × 103¹/₃₂. Физ.б. л.
2,75. Нашр л. 2,22. Шартли б. л. 4,62. Тиражи 50000.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 76-75. Баҳоси 6 т.

ЎзССР Министрлар Советининг нашриётлар,
полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат
комитетининг Тошкент полиграфия комбинатида
териблиб, 2-босмаҳонасида босилди. Янгийўл,
Самарқанд кўчаси, 44. 1976. Зак. № 88.

Набрано на Ташполиграфкомбинате Государ-
ственного комитета Совета Министров УзССР по
делам издательства, полиграфии и книжной торгов-
ли. Отпечатано в типографии № 2, г. Янгийўл,
ул. Самарқандская, 44.